

Сайлов - бу ишонч. Сийсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан кўрсатилган номзодларнинг аксарияти элга танилган, бирор юмуш топширилса, улдасидан чиқадиган кишилар.



2009 йилда оғрикли муаммолар акс этган аризаларнинг камийганидан хурсандмиз. Келгуси йилда инсонлар ариза ва шикоятлар билан эмас, балки юртимиз равнаки ва келажаги йўлида фойдали таклиф ва мулохазалари билан мурожаат этишларини истар эдик.



Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 24-dekabr, №52 (677)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари
такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий
жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2003 йил, №9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, №9, 498-модда, № 10, 536-модда, №12, 656,

кин бўлган ишларда фойдаланиш,

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

3) 51-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

4) 245-модданинг биринчи қисми "48" рақамдан кейин "49" рақами билан тўлдирилсин.

1) 49-модда қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

"Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади";

2) қуйидаги мазмундаги 49-модда билан тўлдирилсин:

"49-модда. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиги, ҳафизлиги ёки ахлоқ-олибига зиён етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,
2009 йил 21 декабрь № ЎРҚ-236

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг
329-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 20 августда қабул қилинган
Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда) **329-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишнинг қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн судқадан кечиктирмадан қил қилиниши лозим. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтда бешлаб ҳамда то ишнинг қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш

тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари ушбу Кодекснинг 587-моддасига мувофиқ прокурорга юборилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ҳолиса содир бўлган жойни қўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асосланган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, ҳужжатли тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки қақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмадан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса".

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шаҳри,
2009 йил 21 декабрь № ЎРҚ-237

И.КАРИМОВ

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган маъмур йиғилишида республикада махсус мактаб ва мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларига таълим-тарбия бериш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган болаларга яратилган шарт-шароитлар аҳоли ҳамда бу борда Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳофиза қилинди.

Йиғилишда республика бўйича 18 ёшгача бўлган 125 минг нафар ногирон боланинг 45 минг нафари шахар ва туман марказларида, 80 минг нафари қишлоқ жойларида яшаш, жорий йилда 442 нафар ногирон бола реабилитация қилинганлиги, 587 нафари соғломлаштирилганлиги, 939 нафар ногирон бола протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминланганлиги, "Мурувват" уйларида 1,3 млрд. сўмлик ҳимойлик ёрдами кўрсатилганлиги қайд этилди.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида махсус мактаб ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда қишлоқ жойларида яшовчи ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш, соғлигини муҳофиза қилиш, таълим олиш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида ҳудудий комиссиялар томонидан ижтимоий таъминот бўлимлари, соғлиқни сақлаш ва таълим идоралари билан ҳамкорликда кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шу билан биргаликда, йиғилишда жисмоний ривожланишида нуқсон бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини самарали ташкил этиш, моддий-маиший таъминотини яхшилаш, ногирон болаларга протез-ортопедия маҳсулотлари ва бошқа реабилитация техника воситаларини ўз вақтида етказиб бериш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги вазифасини бажарувчи, комиссия аъзоси А.Ҳайитовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳофиза этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мугдасиди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ақбарова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Қарор ижроси амалда

Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашish департаменти органлари томонидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ички бозорга ҳафсизлик талабларига жавоб берайдиган, сифатсиз маҳсулотларнинг қирғилишига йўл қўймас қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Янги йилни ҳеч қандай ноҳушликларсиз, ҳақиқий байрамона руҳда кутиб олиш учун ҳукуматимиз томонидан кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу йўналишда, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органлари томонидан фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳавф туғдирувчи пиротехника воситаларини ноқонуний муомалага қирғилишининг олдини олиш ва барҳам беришга қаратилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ҳақиқатинан, жорий йилнинг охирида йўл қўйилган тадбирларда, инсон соғлиғи, жамоат ҳафсизлигини, фуқаролар оёқсизлигини ҳимоя қилиш ноқонуний бойлик орқирлиш йўлидаги ҳирсини устун қўйиб, пиротехника воситаларини ноқонуний муомалага қирғилиш билан шуғулланаётган бир қатор "сохта тадбиркор"ларнинг фаолиятига барҳам берилиб, 100 дан ортқ қонунбузилишлар фойда этилди. Ҳуқуқбузарлардан жуда кўп миқдордаги пиротехника воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Жумладан, Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Ф.Ортиқов 148,5 минг сўмлик 9 турдаги 9832 донга ҳамда Навоий шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тадбирда фуқаро Ш.Ашурова 16 турдаги, жами 213,6 минг сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган пиротехника маҳсулотлари билан савдо қиладиганликлари аниқланиб, маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бундан ташқари, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳодимлари жорий йилнинг 16 декабрь куни фуқаро Х.Усмоновни хорижда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган 270 донга, жами 621000 сўмлик пиротехника воситаларини муомалага қирғатаётган вақтда ушлашган.

(Давоми 7-бетда)

Республикада олиб борилаётган изчил ишхўрлар натижасида фармацевтика соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозирда кўплаб дори-дармон маҳсулотларини ўзинида ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аммо, шунга қарамай қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқариш ва уларни юртимизга олиб кириш ҳолатлари афсуски, учраб турибди. Бу борада қўнунийликни таъминлаш ва мазкур ҳолатларга барҳам бериш мақсадида тегишли чоралар кўрмоқдамиз. Шу ўринда айрим маълумотларни бериб ўтаск. Мазкур соҳада қалбакилаштириш тўғрисидаги биринчи маълумотлар Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилоти томонидан 1982 йилда тарқатилгандаги кўпчилигимизга маълум. Шунинг учун бутунда дори воситаларини қалбакилаштиришга қарши курашиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Қалқон дори-дармон ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, қалбакилаштирилган дори воситалари ривожланган мамлакатлар фармацевтика бозорига 5-8 фоизни ташкил этар экан. Бундан кўринадики, юртимизга кириб келаётган барча дори-дармон маҳсулотларини ҳам етарли даражада сифатли деяр олмаймиз. Ҳозирда республикадаги кириб келаётган ва сотилган қалбаки дори воситалари ишлаб чиқарилиши шароитларига кўра 6 та гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ - таъсир қилиш хусусияти умуман бўлмаган дори воситалари. Бундай дори воситалари "плацебо" (бўш препаратлар) деб аталади. Бу дори воситаларини ишлаб чиқаришда олатда оддий нейтрал компонентлар (талъ, оҳак, бўр ва ҳ.к.) ҳамда табиий бўёқлар (лав-

лаги, сабзи ва бошқалар) қўлланилади. Бундай қалбакилаштириш тури кам учрайди ва қалбаки препарат асл препаратдан осон фарқланади. Бу дори воситалари нисбатан хавфсиз бўлса-да, лекин даволаш жараёнида самара бермайди. Бу усул билан асосан ҳалдорлар, сургма дори ва геллар қалбакилаштирилади.

Иккинчи гуруҳ препаратлари таркибига асосий таъсир қилувчи модда ўрнига бошқа шунга ўхшаш ин-

таркибиди аниқ миқдорда таъсир қилувчи моддаларни сақласа-да, бирламчи упаковка бўйича аслидан айрим элементлари билан фарқ қилади. Масалан: "Авенсис" фирмасининг "Клафоран", "Хиноин" фирмасининг "Но-шпа" препаратлари таркиб нуктаи назаридан аслига мос келса-да, аммо қалбакилиги аниқланган. Бу гуруҳ препаратлардан бемор терапевтик самара олиши мумкин, аммо дори воситаларини қону-

утта вариантдаги қалбаки дори-дармон катта ёки кичик қўнуний ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналар учун хосидир. Бу ҳол кўпчилик таъниқли фирмаларнинг у ёки бу ҳудуддаги филиалларида кузатилади. Бу нусхалар фарқлиғиш мураккаб бўлган қалбаки дори гуруҳидир. Бундай препаратнинг аслидан фарқини фақат махсус кимёвий лабораториядагина аниқлаш мумкин.

Юқорида кўрсатилган қалбаки

НАФС БАЛОСИ

ний ишлаб чиқарувчилар катта зиён кўради.

Бешинчи гуруҳ - "яримқалбаки" препаратлар деб юритилади. Улар воситаси қутиси қимматбаҳо препарат қутисига алмаштирилади. Масалан: оддий физиологик эритма шиласига самарали оғрик қолдирувчи ёки онкологик препаратларнинг ёрликларини ёпиштирилади. Бундай дори-дармон хавфли бўлиб, кутилаётган терапевтик таъсирини кўрсатмайди.

Учинчи гуруҳ препаратлари ёрликда кўрсатилган асосий таъсир қилувчи модда кутилган таъсирини бермайди. Текшириш натижасида дори воситасининг таркиби мос келмади. Аммо барибир препарат қалбаки бўлади. Масалан, Bayvet немис концернинг аспирин қутисига маҳаллий ишлаб чиқарилган аспирин солинган бўлади. Бу гуруҳ дори-дармон беморга катта зиён келтирмайди, аммо қўллаётган препаратнинг терапевтик таъсири паст бўлади.

Тўртинчи гуруҳ препаратлари ўз

дори воситаларининг барча гуруҳлари соғлиқ учун зарар келтириди, чунки улар қўнуний сифат назоратидан ўтмайди. Бундан кўринадики, бу борада назоратни кучайтиришимиз лозим бўлади.

Хусусан, ҳамюртимиз Муҳаббат Аҳмедова Тошкент шаҳридаги Қўйил бозоридан 2 млн. 800 минг сўмлик, 24 хилдаги ноқонуний, ҳеч қандай рухсатномага эга бўлмаган дори маҳсулотларини сотиб олиб, Қўқон шаҳрида сотиш мақсадида олиб келаётганида Данғара тумани Чағали қишлоғи ҳудудидаги Волий 8 ЙПХ постидан ўтаётганида қўлга тушди. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли чора кўрилди.

Умид қиламизки, Муҳаббат Аҳмедова ўз навбатида бу ишдан муносиб ҳулоса чиқаради. Зеро, инсон саломатлиги барча нарсадан устун. Унинг ҳаётини хавф остида қолдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Алишер КОМИЛОВ,
Данғара туман прокурори

ЗАҲАРЛАНИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

— Бўлди, ичмини ташлайман! — деди у ёнидаги қаравотда ётган беморга. — Маҳалладаги тўйда бир пиёла ичдим ҳолос. Ошқозоним худди битиг санчгандай оғриб, "тез ёрдам" чақиртирдим. Дўхтир айтиди, ичмини ювиб юборишмаганида, тамом бўларканман.

— Ҳозирги ароқларга ишониб бўлармиди, — деди ҳамхонаси. — Бурноғи йили Қўқонда уч-тўрттаси ароқдан заҳарланиб ўлганини эшитмовдизми?!

Бу воқеа матбуотда кенг ёритилган, қўлбола ароқ тайёрловчилар аниқланиб, тегишли жазоларини олишган эди. Шунга қарамай, айрим кимсалар "тирикчилик", дея қўлбола ароқ тайёрлаб сотаётган ҳолатлар учрамоқда.

Хусусан, СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона шаҳар ва Қувасой шаҳар бўлими ҳодимлари томонидан ўтказилган текзор тадбирда ана шундай "ишбилармон"лардан бирининг "фаолияти"га тек қўйилди. 57 яшар Тожихон Расулова 11 йил муқаддам судланган. 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган, амнистия фармонида асосан жазони ўташдан озод этилган эди. Нафақасига қаноат қилмасдан бировларини заҳарлаб "пул ишлаб топиш"га киришди. Қўқон шаҳридаги бозордан 18 литр спирт сотиб олди. Яшаб турган ҳовлисида спирт ва сувни аралаштириб ишчиларга қўйди. Қопқонини қийдириб, этикеткаларини ёпиштириб. Биронта таниш, ишончли савдо дўконига топширса, сотиб беришад...

Ҳолдисида кириб келган нотаниш кишилар унинг ҳомчўларини охирига етказишга ҳалақит беришди. Ҳужжатларини кўрсатиб ўзларини таништиришди. Ҳолислар иштирокчида ҳовли-ўйларины қўқонга кечира бошлашди. 45 та ишчиларда 6 хил этикетка ёпиштирилиб, сотишга тайёрлаб қўйилган ароқ, 11 та бир ярим литрли пластмасса идишдаги спирт, қўлбола ароқ тайёрлаш учун ишлатилган 81 та қопқоқ, 220 дана пластмасса қопқоқ, 252 дана акция маркази, ишчи идишлар дилилий ашё сифатида олиниб, тегишли тартибда даволатномалар тузилди.

Т.Расуловага нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга оширилди.

— Ҳақиқатан Қўқон шаҳридаги бозордан ҳар литрини уч минг сўм нархда спирт сотиб олгандим. Қўқонда невараларимга тўй қилмоқчи эдим. Шунинг учун спиртни ишчиларга қўйиб, сув аралаштириб, қопқоқларини беркиштиб қўйдим. Уларни сотиш ниятим йўқ эди.

Суд унинг келтирган вағизга танқидий ёндошди. Чунки, ҳовли-ишдан олдин қўлбола ароқ тайёрлаш учун зарур кўп миқдордаги спиртдан ташқари 252 дана акция марказлари айланиб сотиш учун ароқ тайёрлаганидан даволат берили. Тўйдаги дастурхонга қўйилган қўлбола ароққа акция марказларини ёпиштиришнинг нима ҳолати бор.

Қувасой шаҳар Давлат санитария-эпидемиология марказининг берган хулосасига кўра ушбу қўлбола ароқ истеъмолга яроқсиз бўлиб, ичган киши организминини заҳарлаши аниқланди.

Т.Расулованинг айби ҳолис ва гувоҳларнинг кўрсатмалари далилий ашёлар билан тасдиқланди.

Одамларни заҳарлаш, соғлиқларига зиён етказиш орқали енгил даромад "ишлаб топиш" бўлган "ишбилармон аёл"га суд тегишли жазо тайинланди.

Энг муҳими, ўтказилган текзор тадбир тўғрисида ўнлаб, юзлаб одамлар заҳарланишининг олди олинди.

Шокиржон СУЛТОНОВ,
Фарғона шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қону билан ҳимоя қилинади. Унинг ҳаёти ва саломатлиги қадрланади.

Хусусан, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида бир қатор амалий ҳаракатлар олиб бориляпти.

Аммо, шунга қарамай, айрим "сохта ишбилармонлар" томонидан қонунга зид равишда даромад олиш илнжиди, қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш ҳолатлари ва унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири кузатишмоқда.

Фуқаролар соғлиғи кафолати

Жумладан жорий йилнинг ўтган даврида СВОЖЖДЛҚК Департаменти Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан 42 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахслар томонидан яшаш ўйларида ҳамда бошқа ёрдамчи ҳужалиқларида ноқонуний тарзда фаолият кўрсатаётган яширин цехлар аниқланди. 36 та жиноят ва 2 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан жамин 309 миллион сўмлик истеъмолга яроқсиз маҳсулот ва ускуналар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Уларнинг 17 таси яширин равишда ёғ ишлаб чиқарувчи мойкувоазлар, 7 таси спиртли ичимликлар, 5 таси ёзиқ-овқат ва 13 таси бошқа турдаги ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехлар бўлиб, ҳозирда уларнинг фаолиятига тек қўйилди.

Шунингдек, белгиланган давлат стандартларига жавоб бермайдиган, сифатсиз, истеъмолга яроқсиз дори-дармонларнинг юртимиз ҳудудига кириб келаётганилиги, дори воситалари ва тиббий бўюмларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилаётганилиги каби ҳолатларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлиги, ҳаёти хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқарилаётганилиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ушбу қонун ҳужжатлари қаторига 1996 йил 29 августда қабул қилинган "Фуқаролар соғлиғи

лан муомала қилишга оид тартиб ва уларга доир муайян махсус таъқиқлар мажбур бўлса-да, жавобгарликни белгилловчи норма - Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Жиноят кодексида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий бўюмлар билан ноқонуний муомала қилганлик учун жавобгарликка оид алоҳида қоида белгиланмаган эди. Бу ҳолат ўз навбатида бир қанча муаммоларни келтириб чиқараётган эди.

Шу билан, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартириш ва қўшимчалар киришти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 12 августда тайёрланиб, Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида 2009 йил 28 августда маъқулланди ҳамда 2009 йил 18 сентябрда матбуотда расмий эълон қилиниб, шу кундан эътиборан қучга кириди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 186¹-модда билан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекс 165¹-модда билан тўлдирилди. Мазкур моддаларнинг қонунчиликда киритилиши аҳолига сифатсиз дори воситалари ёки тиббий бўюмлар етказилишининг олдини олади, шундай маҳсулот етказиб бераётганларнинг ноқонуний фаолиятига тек қўйди ҳамда фуқаролар соғлиғини кафолатлайди.

Шухрат УРИНОВ,
Сурхондарё вилоят
прокуратураси бўлими бошлиғи

"КЕП ҚОЛИНГ, ИМОРАТ!"

Юртимизда барча соҳада ишхўрлар қўлими кенгайиб бораётганидан хабардормиз. Хар бир соҳа ўз йўналишида ривож топиб бораётти. Аммо орамизда шундай олғирлар борки, улар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтишмайди. Бирок, қонунда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат учун жавобгарлик белгиланган.

Каттақўрғонлик Ражаб Абдулманов Каттақўрғон шаҳар "Ингичка кон" очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси давонимизда тузукта ишлаб юрган эди. Аммо мўмай даромад орттириш илнжиди мол-мулкни талон-торож қилишдан ўзини тия олмади. 2008 йил август ойида жамият бош ҳисобчиси Шакархон Тагаев ва ҳисобчи-ҳазиначи Гулбодом Қодиронов билан ўзаро тил бириктириб, жамиятга тегишли бўлган "Тоғ қутқарув" биносини ноқонуний сохта ҳужжатлар билан сотмоқчи бўлди. Харидор ҳам бегона эмас, эски таниш Қалқон Мартабоев бўлиб, ҳусусий тадбиркорлик билан шугулланарди. У Каттақўрғон шаҳар "Ингичка кон" очик акциядорлик жамиятига қарашли "Тоғ қутқарув" биноси сотилаётганилигини эшитиб, Ражаб Абдулмановга учрашди. Рахбар ҳам тўрт-беш кунни ўтказиб, "мижоз"ига бинони 5.600.000 сўмга сотишини айтиди. Қалқон кутганидан ҳам арзон нархни эшитиб "иш"ни ташлаштиришни илтимос қилиди. Бу "савдо" Ражаб Абдулмановга маъқул бўлиб, ҳужжатларни Шакархон Тагаев ва Гулбодом Қодиронов билан бирга "тайёрлаб" ташлади. Фақат ҳужжатлар бундан олди йил муқаддам, яъни 2003 йилда сотилиб, деб расмийлаштирилди. Қалқон айтилган пулни Ражаб Абдулмановга келтириб берди. Сохта ҳужжатларни ва бинони қўлга қиритган миҳоз ҳужжатларни мукаммал қилишни ўйлаб бошлади. У сентябрь ойида шаҳар кадастр бўлимига учрашди. Хуллас, барча ҳужжатлар тайёрланиб, бино Қ.Мартабоевга хатланди. Қалқон энди бинони сотмоқчи бўлди. Мақсадини таниши Илҳом Юлдашевга айтиди. Илҳом эса Қўзйови Анжурони бошлаб келди. Бинонинг бир қисми 12.000.000 сўмга баҳоланди. Қўзйови пул ўрнига 1000 дана шифер олиб келиб берди ва бинонинг бир қисминини бўзиб, 112 дана ПЖК плитаси ва 6 дана регелини олиб келди. Аммо буларни "ҳазм" қилиб улгуршмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят иши қўзғатилди. Шунингдек, суриштирув чоғида бино 2007-2008 йилларда икки ҳусусий тадбиркорга фойдаланиш учун ижара берилиб, улардан олнган 444.000 ижара пули жамият ҳисобига кириш қилинмагани аниқланди. Бу жамиятда рақабларнинг лоқайлиги тўғрисида дебитор-кредитор қарзлар, шунингдек, иш ҳақларидан қарздорлик ҳам анча қўйилди кетган экан.

Тергов давомида ноқонуний сотилган бино Каттақўрғон шаҳар "Ингичка кон" очик акциядорлик жамиятига қайтарилди. Бинонинг бўзиб кетилган қисми учун жамиятга етказилган 7.484.600 сўм айбдорлардан ундирилди. Шунингдек, шахсий эҳтиёжларга ишлатилиб кетган ижара пуллари ҳам Ражаб Абдулманов томонидан жамият ҳисобига тўланди.

Айбдорлар жазага тортилди. Ўзгалар мулкни талон-торож қилган бу "шоёвоазлар" қилмишини пушаймон. Агар улар қаламларини ўйлаб босишганда бундай ҳолат тушмаган ва эъ-зорнинг олдида юзлари шувут бўлмаган бўларди.

Улугбек САЙФУДИНОВ,
Каттақўрғон шаҳар прокурори

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, энг аввало, жамият ва давлат манфаатларининг мазмун-моҳиятини ўз ичига қамраб олган. Бугун қайси соҳага назар ташламанг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, бу жараён суд-ҳуқуқ ислохотларида ҳам ўз ифодасини топмоқда десак, муболага бўлмайди. Мазкур жараён жиноят ва жазога доир қонунларимизнинг кенг қўламли либераллашувига олиб келди. Ҳозирда аҳолининг бу борадаги қарашлари ҳам тубдан ўзгарди. Ҳар қандай жиноятга жазо муқаррарлиги ва жамиятимиз қонунларидаги инсонпарварлик

тамойленини англаш ҳисси янада ошди. Бу эса, мамлакатимизда қонунчилик тарғиботи ҳамда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирларнинг самарасидир. Жумладан, Республикамиз

Шу маънода 21 декабрь кунин Тошкент Давлат Иқтисодий университетиди "Одам савдоси ва ҳуқуқий маданият" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим бошлиғи С.Ортиқова иштирок

ДАВРА СУҲБАТИ

олий ўқув юртлири, коллеж ва мактабларда таҳсил олаётган ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни оширишга катта эътибор қаратилаётганлиги бунинг яққол намунаси.

этиб, одам савдосига доир жиноятлар, унинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш, эркин фуқаролик жамияти барпо этишда ёшларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб, қатнашчиларга атрофлича тушунтириш берди.

Шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара билмас аҳамият касб этаётганини инобатга олиб, унга қарши курашиш билан боғлиқ қонун ҳужжатларидан барча хабардор бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давра суҳбатида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этувчи омилларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Энг муҳими, давра суҳбати давомида иштирок этаётган ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишлари юқори эканлиги маълум бўлди. Улар томонидан бери-



лаётган саволларга С.Ортиқова атрофлича жавоб берди. Давра суҳбати сўнггида қатнашчилар келгусида бундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб туришга қарор қилишди.

Ўз муҳбиримиз



Юксак тараққиёт йўлини босиб ўтган, ривожланган давлатлар сифидан жой олган мамлакатларда, аввало, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига катта эътибор бериллади, десак муболага бўлмайди. Азалдан инсон олий зот ва буюқ қадрият сифатида эътироф этилган.

Ҳар қандай тараққиёт замирида инсон шайни, қадр-қиммати ва ҳуқуқий ҳавфсизлиги ҳимояси ётади. Республикамизда олиб борилаётган туб ислохотларнинг бош мақсади инсон омили билан узвий боғланган. Бугунги кунда инсоннинг

— Марказ "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тузилган Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг тақлифи асосида ташкил этилди. Жорий йилнинг 18 ноябрь кунин марказимизнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. У 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, одам

ҳишлари билан реабилитация марказимизни тарқ этиш ҳуқуқига эга.

— **Ходимларингиз билан таниш-сак бўладими?**

— Марҳамат, — деб директор бизни узун йўлак бўйлаб бошлаб кетди. Шинам бир хонага киридик.

— Танишинг, бу киши даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари Наргиза Қаюмова бўлади, — дея директор бизни ўтиришга таклиф қилди.

Танишувдан сўнг Наргиза Қаюмова бизга қўйидагича маълумотлар берди:

мияти органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари билан ҳамкорликда реабилитация маркази томонидан таъминланади.

— **Жабрдийдалар ҳақида маълумотларни олиш ёки бериш жараёнида қайси жиҳатларга аҳамият берасизлар?**

— Афсуски, жабрдийдаларни суҳбатга жалб қилолмаймиз. Улар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қилишимиз шарт.

ёт муассасаларида кўрсатилади. Айтмоқчи, қўшни хонада психологимиз бор. У кишидан ҳам маълумот олангиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

Қўшни хонага чиқиб, психолог Насиба Валиева билан танишамиз. — **Одам савдосидан жабрланган киши қабулликсизга келганида гапни нимадан бошлайсиз? Ахир у бошидан турли кечинмаларни ўтказиб бўлиши бос, арзимаган гап билан дилини оғритиб қўйиш мумкин-ку! Тўғрими?**

— Албатта. Қабулликга келган ҳар

ДАВЛАТ ҲИМОЯСИ ОСТИДА

бахтли яшаш ва фаровон турмуш кечириши учун барча жиноят турлари қарши кескин кураш олиб боришмоқда. Айниқса, глобал муаммага айланган одам савдосига қарши курашиш ва бу турли жиноятларнинг олдини олиш учун давлатимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўллаб амалий чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, бундай жиноятларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам тўхтагани йўқ.

Ана шундай амалий ишлардан бири сифатида республикамиз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига идора-вий мансуб бўлган "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази"нинг очилишини келтиришимиз мумкин.

Марказ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида у ерга йўл олдик. Зиналардан юқори қаватга кўтарилар эканмиз, марказнинг давлат стандартларига мос равишда қурилганига ғувоҳ бўлдик.

Марказ директори Жаҳонгир Шодиевнинг қабулига киргач, у кишига бир неча савол билан мурожаат қилдик:

— **Реабилитация марказининг ташкил этилиши ҳақида гапириб берасиз.**

савдосидан турли даражада жабр кўрганларга ёрдам кўрсатади.

— **Марказнинг асосий вазифалари нимадан иборат?**

— Марказимиз бир қанча вазифаларни бажаришга йўналтирилган. Жумладан, одам савдоси жабрдийдаларини қулай шарт-шароитлар, озиқ-овқат, дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлайди. Энг муҳими, кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдамлар кўрсатамиз. Бизга мурожаат қилиб келганларнинг ҳавфсизлигини таъминлаб, қариндошлари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашамиз ва уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб берамиз.

— **Бу ерга мурожаат қилганлар қай тартибда қабул қилинади?**

— Одам савдосидан жабрланганлар марказга жойлаштирилиши учун аввало, ички ишлар органлари, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари ҳамда реабилитация марказининг директори томонидан қабул қилинган қўшма қарор асосида қабул қилинадилар. Жабрдийдалар бу ерда 30 кун давомида даволанади. Зарурият бўлганда уларнинг муолажаси 3 ой муддатгача узайтирилиши мумкин. Шунингдек, даволанувчилар ёзма мурожаатларига мувофиқ ўз хо-

— Реабилитация марказида иш бошлаганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Атиги 1 ойдан ошди, холос. Напжларимиз ҳозирча ёмон эмас. Бу ерда хизмат қилувчи ходимларнинг умумий сони 20 нафар бўлиб, шу жумладан, бошқарув ходимларининг сони 5 нафар кишини ташкил этади. Бугунги кунда аёллар, эркаклар ва вояга етмаганлар бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Жабрланганлар терапевт, психолог ва гинеколог каби мутахассисларимиз кўригидан ўтказилиб, зарур ҳолларда муолажалар олиб борилади.

Одам савдоси жабрдийдалари реабилитация марказида бўлган даврда уларга, агар жабрдийдалар манфаатларига зид бўлмаса, яқин қариндошлари, қонуний вакиллари билан муносабатлар ўрнатиш ва уларни сақлаб туриш шарт-шароитлари таъминланади. Шу билан бирга, улар реабилитация марказидан чиққанларидан кейин нормал турмуш тарзига тўлиқ қайтүүлари қадар юридик маслаҳат бериш, тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича реабилитация маркази хизматларидан фойдаланишлари мумкин. Одам савдоси жабрдийдаларини ижтимоий реабилитация қилиш ички ишлар органлари ҳамда васийлик ва ҳомийлик органлари, маҳаллий давлат ҳоки-



Бу талаблар Низомимизда белгиланган бўлиб қўйилган. Шунингдек, одам савдоси жабрдийдаларининг камситилиши қатъий таъқиқланади. Директор ўринбосари бизни ички шароитлар билан яқиндан таништириш мақсадида терапевт ва психолог хонасига бошлади.

"Терапевт" ёзуви хонага киримиз. Бу ер барча зарур тиббий буюмлар ва дори-дармонлар билан жиҳозланган. Терапевт Ҳуснора Маҳамдова саволимизга бажонидил жавоб берди.

— **Жабрдийдалар орасида қандай касалликлар кўпроқ учрайми ва уларга қандай тиббий ёрдам кўрсатишмоқда?**



— Иш бошлаганимизга 1 ойдан ошган бўлса, бугунгача 36 нафар жабрдийда мурожаат қилди. Уларда асосан нерв, юрак-қон томир ва мия билан боғлиқ касалликлар кўпроқ кузатилади. Шу кунгача мурожаат қилганлар 15 ёшдан 50 ёшгача бўлган беморларни ташкил қилди. Иختисослаштирилган тиббий ёрдам (атрофиллар учун хавф туғдирадиган нарколепия, психиатрия, дерматонерология, сил, юқумли касалликлар ва бошқалар) белгиланган тартибда тегишли иختисослаштирилган тибби-

бир кишига салом-алиқдан сўнг кўпгина "Сизнинг бахтли бўлишингизга ким ёки нималар тўсиқ бўлади?" дея савол бераман. Ахир, одамлар бир-бирига ўхшамаганидек, уларнинг ҳар бирига алоҳида муаммал ва мураккаб психологик ёндашув талаб этилади. Очиги, миждозлар орасида кучли руҳий тушқунликка тушганлар кўплаб учрайпти. Уларнинг аксарияти оғир меҳнат, камситилиш, алданиб қолганидан жабрланганнинг маълум қилиди. Бундайларни ҳаётга янгица қараш, мустақил фикрлаш, қатъиятли бўлиш ва соғлом турмушга қайтариш учун бир қанча психологик машқлар олиб борилади. Даволаш сеансларининг натижасини жабрдийдалардаги руҳий ўзгаришдан билиб оламан.

Марказдан чиқар эканмиз, марказ директори Жаҳонгир Шодиев шундай тилак билдириб қолди: — Ҳеч ким одам савдосининг қурбонига айланмасин. Барчангизни жамоамиз номидан қириб келётган 2010 йил билан табриқлайман. Янги йил барчамизга тинчлик, сийҳат-саломатлик, омад ва бахт олиб келсин.

"Huquq" мухбири

Гули ҲОЖИМОВЕВА ёзиб олди





27 декабрь — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар куни

27 декабрда ҳар биримизнинг ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Мустақил Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч-тотув турмушимизнинг бардамлиги билан бевосита боғлиқ бу сайловда фаол қатнашиш, мамлакат Конституцияси-

ларга ҳаммамиз гувоҳмиз. Мамлакатимизда кечаётган сайлов кампаниясида фуқаролар қанча фаол бўлсалар, сайловлар шунчалик юксак савияда ўтади.

Яшириб нима қиламиз, аввалги сайловларда аравани куруқ олиб қочган номзодлар ҳам бўлган. Энди бундай тоифадаги номзод учраб қолгудек бўлса, уларнинг айни кундаги муаммолардан қанчалик хабардорлиги, ҳуқуқий-сиёсий илми қай даражадалигига қизиқиш

Эркинлик, ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтаётган бу муҳим тadbирга бағишланган учрашувларда, номзодларнинг сайловчилар вакиллари билан бевосита мулоқотларида турли касб эгалари, кекса авлод вакиллари билан бирга ёшлар — мамлакатимизнинг ишончли қанотлари ҳам фаол иштирок этаётгани, айниқса, қувонарлидир. Истиқлол йилларида вояга етган, сайлов ҳуқуқидан биринчи марта фойдаланган

ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб-вояга етишлари, истеъдодларини тўла намойиш этишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш, давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келди. Истиқлолимизнинг маънавий таъмоиллари таъсирида улғаяётган янги авлод вакиллари ҳар жиҳатдан катта ишонч билдирилди. Буни ҳаётимизнинг барча соҳаларида, хусусан, илм-фан, маданият ва спортда кўриш мумкин.

тўхтамаган. Янги шароит, янги имкониятлар, табиийки, янги эҳтиёжларни келтириб чиқаради. Узоққа бормай, биз катталар собиқ шўро тўзми шароитида кечган ҳаётимиз билан бугунги кунимизни қиёслайлик — оралан ўтган шу қисқа вақт ичида нечоғли буюк, миселсиз ўзгаришлар содир бўлди, энг қизиғи, бу ўзгаришлар эндиликда жуда кўпчилигимиз учун оддий воқеликка айланиб қолди. Бугун Чироқчининг чекка қишлоғида бунёд этил-

МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!



да белгилаб қўйилган ҳуқуқимиздан фойдаланиб, эртанги кунимиз, орзу-умидларимизнинг рўёбга чиқиши учун муносиб номзодларга овоз бериш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда биргина маданий-маърифий соҳада юз берган ўзгаришлар тўғрисида жуда узоқ гапириш мумкин. Ўзлгимизни, ўтмиш тарихимизни англаш, миллатимизнинг қаддини тиклаш, қадимий ва бой маданиятимиздан, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиш, эл-юртга салоқат билан хизмат қилаётган фидойи инсонларни қадрлаш борасида амалга оширилган чора-тадбир-

жуذا-жуذا зарур. Шунда номзоднинг сиёсий савияси, дунёқарashi аён бўлади. Ҳуқуқий илмимизнинг юксак даражада юқори бўлишига хизмат қилади.

Сайлов — бу ишонч. Сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш идоралари томонидан кўрсатилган номзодларнинг аксарияти элга танилган, бирор юмуш топширилса, улласидан чиқадиган кишилар. Лекин биз улар орасидан фаолларнинг фаоли, тўғрисида, лоқайдлик ва тўрачиликка қарши мурасасиз кураша оладиган, бир сўз билан айтганда, Ватан, эл-юрт равиқли учун қараб бўлса, жонини фидо этишга ҳам тайёрларини танилаб олишимизга тўғри келади.



фарзандларимиз билан мулоқотда бўлсангиз, уларнинг қувончлари чексиз эканлигига гувоҳ бўласиз. Улар ўз овозлари билан мамлакат олдидagi фуқаролик бурчларини адо этадилар, айни чоғда овоз ва обод Ватан тараққиётини белгилашда, мамлакатимизда бугун амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бундан буюн ҳам изчил давом этишини таъминлашда бевосита иштирок этадилар.

Ёшлар кўнглидаги бу қўтарин-қилиқнинг сабаби бор, албатта. Истиқлол йилларида Усиб келаётган ёш авлод тарбияси, уларнинг

Яқинлашиб келаётган 2010 йил Президентимиз ташаббуси билан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинди. Бу ғамхўрликка жавобан ёш авлод Ватанимизнинг иқтисодий, илмий-маданий салоҳиятини янада ошириш, турмуш тарзиимизнинг бундан буюн ҳам фаровонлашиб боришини таъминлаш борасида ўзлари учун яратиб берилган имкониятлардан тўла фойдаланали ва янгидан-янги зафарларга эришадилар, деган умиддамиз.

Ҳаёт ўз ўзарида тўхтовсиз давом этади. Аммо ҳамма замонлар ҳам инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ошиб боришдан асло

ган замонвий мактабда таълим олаётган бола компьютер орқали дунё билан мулоқот қилмоқда. Кечагина коллежни тамомлаган деҳқонболлик йигит "Тошгузар-Бойсун-Қумқўргон" темир йўлида мутахассис бўлиб иш бошлади. Шаҳрисабзнинг қадимий санъатини эъзозлаётган ёш ҳунарманд уни гурур билан жаҳонга кўз-кўз этапти. Кўпчиликнинг тоғли қишлоғида истикомат қилаётган ўқувчи халқаро фан олимпиадаси ғолибига айланди. Касбида бобомерос деҳқончилик ишларини ривожлантираётган навқирон фермер мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришди. Косондаги оддий қишлоқда бунёд этилган замонвий спорт мажмуасида шугулланаётган полвон қизларимиз дунёни лод этиб, юртимиз байрогини янада сарбалаб тутишти. Шундай бўлиши керакда, ахир, Юртбошимиз бизнинг олис ўтмишда ҳам, кеча ва бугун ҳам ҳеч қандам кам бўлмаганимизни, бу маккемизни бировга бахс қилиб қўймаслигимизни кўп бор таъкидлайдилар. Шу шилдат, шу шижоат, шу азму қарор бизга ҳамроҳ экан, биздан келажак авлодларга, наинки овоз ва обод Ватан, айни чоғда буюк маънавият, аҳиллик ва инсонлик, меҳр-оқибат ҳам қолади. Шу умид, шу орзу учун муносиб номзодларга овоз берайлик, азиз Ватандошлар!

Норбўта ҲОЗИЕВ,
журналист

Умумхалқ сайловлари ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг самарали ва бирдан-бир тўғри йўли эканлиги ўз исботини топангига анча бўлган. Маълумки, сайлов тизими муайян мамлакатда давлат ҳокимиятини фуқароларнинг хоҳиш-истаклари асосида қонуний йўл билан шакллантириш воситаси, фуқароларнинг ўз мамлакатларини билвосита (вакиллари орқали) бошқариш усулидир.

Республикамизда истиқлол йилларида демократия талабларига жавоб бера оладиган сайлов тизими яратилди. Ҳуқуқий ислохотлар натижасида бу тизим янада такомиллашиб бормоқда.

САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

Шу йилнинг 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрдаги "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни мамлакатимиздаги парламент фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг ўрни ва фаолиятини янада оширишга хизмат қилди. Ушбу қонунга мувофиқ Конституциянинг 77-моддаси 1-қисми тахрири ўзгартирилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 150 нафар депутатдан иборат бўлиши белгиланган бўлди. Шунингдек, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Республикаимизнинг 12 та қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Барчамизга маълумки, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар куни тобора яқинлашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг 2009 йил 407-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича тадбирлар календар режаси"га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига асосан 2009 йил 27 декабрь куни юртимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўлиб ўтади.

Пойтахтимизнинг ҳамма туманида ҳам яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лек, 58 та сайлов участкасининг ҳам саноқли кунлар қолган сайловларни юқори савияда ўтказишга тайёргарлиги таъминланган.

Сайлов куни ушбу округда 117584 нафар сайловчи ўзларининг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш баробарида юртимиз истиқболи учун овоз берадилар. Тумanning бир қисми, яъни 7 та сайлов участкаси қўшни Миробод туман ҳудудида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 126-Темирйўл сайлов округига берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловини ўз вақтида сифатли ташкил этиш, фуқароларнинг ушбу тadbирда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда ушбу тadbирни ўтказиш маса-

лалари бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилган.

Сайлов округлари комиссиялари раислари билан ҳамкорликда режалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Шунингдек, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи 32-«Машинасозлар», 33-«Тараққиёт», 34-«Авиасозлар», 35-«Тўзел», 36-«Янгибод», 37-«Қурувчилар» сайлов округлари ташкил этилган.

Сайлов участкаларини ташкил этиш,

уларни керакли мебеллар билан жиҳозлаш, махсус адабиётлар, кўргазмалар ташкилот воситалари билан таъминлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилади. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва унинг юқори савияда, демократия ва қонуний талаби даражасида ўтказилиши барчага бирдай масъулият юклайди.

Ҳамза туман прокуратураси ходимлари томонидан ҳам яқинлашиб келаётган сайловларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида сайловчилар ўртасида сайловлар мазмун-моҳияти, уни ўтказиш тартиби, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сиёсий ҳуқуқлари юзасидан тушунириш ишлари олиб боришмоқда.

Хуршид ЖАЛОЛОВ,
Ҳамза туман прокурори

Кунни кеча уйдаги эски газета ва журналларни варақлаётганимда, "Ёшлик" журнаlining 1988 йил 2-сонидagi бир мақола эътиборимни тортди. Гап шундаки, бундан салкам йигирма йилки йил аввал чоп этилган журнал саҳифасидagi Умаркул Эгамовнинг "Болаларимиз покми, яхшилар?" деб номланган мақоласида ёритилган мавзу бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Бу мавзу неча замонлардан бери инсониятнинг диққат-марказидан ўрин олган.

Мақолада, жумладан куйидаги фикрлар бор: Бола деганда биз мурғак қалбни - ҳаёти ноқўя ишлардан йироқ, шўхликка ўртоқ, қуралай кўз, тиниб-тинчимас, покиза дилини тушунамиз. Шунинг учун ҳам баъзи яхши одамлар туғрисида, "Жуда бола феъл-да! Мунча боладай содда бўлмаса!" деб сўзлаймиз.

Ишдан ҳориб келаётган ота дарвозада "Далажон", деб кучоқ очиб юрган фарзандини кўриб, қарчогини бутунлай унутиб юборали. Бемор она бошини жажжи дўмбоғи силаб қўйса бас — у сархуш тортиб, оғриқни унутди: ширини билан сўбатлаштиришга тушали. Болалар, қандай яхши! Оҳ, қантдек ширин, покиза улар!

Муаллифнинг фикрларига қўйиласиз, туғрими? Албатта, Оллоҳ инсонга берган неъматларнинг энг бебаҳоси фарзанд ҳисобланади. Инсон зоти вақти келса фарзанди учун жонидан кечинишга тайёр бўлади. Энди куйидаги жумалар билан танишинг:

"...Нега ҳаётимиз кундан-кунга фаровон бўлаётгани сари болалар ўртасида жиноят қилувчилар, унда қатталашувчилар камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Нега улар безбет — нафақат бир-бирларига, катталарга ҳам гап қайтарилган бўлиб боришмоқда? Нима учун дилдорликни касб қилишмоқда?"

Улар орасида ноқўя ҳаракатлар, болаликка хос бўлмаган бераҳмлик, кўполик олат тусига кирипти. Чақалокликка покизалик рамзи бўлган оҳу кўзлар шумшукона пирпирайди. Повдаллардан, чердаклардан кўлариди ширин, оғизлариди папиросу каллалари ҳар хил қимёвий моддалардан қарақат ҳолда топишмоқда. Сабаби нима бунинг?

...Болалар учун спорт клублари, иншоотлари қурилмоқда, ишга туширилмоқда. Боринки, боболаримиз оз уру қилган тинч осмон, кўм-кўк денгиз, қўмлоқ қирғоқ, ёруғ синфхоналар, асфальт кўча, тоғу қирлар, мўл дастурхон болаларнинг инон-ихтиёрида. Хуллас, кўнгилга тусган нарсалар муайёди, кийимлари ранг-баранг... Нега унда бахтли болаларимиздан базилари жиноятчилар рўйхатидан жой олишмоқда? Ажабки, рўйхат кундан-кунга кўпаймоқда. Сабаб? Тўқликка шўхликими?

Келинг, биргаликда уйлаб кўрайлик. Бола — бу ҳар бир қарашда қизиқиш, ҳайрат, ҳалиқ, ҳаракатида такрорийлик, ҳақлид мавж урган "ноловой" организмдир. Биз катталар эса болалар қилаётган ҳар бир ҳаракат бизларга тақдир эканига эътибор қўймаймиз. Айниқса, "катталар" ниҳоятда иш билан бандмиз, вақтимиз зиқ, Ҳаммаша шошганимиз-шошилган. Соат миллирлар бизларга ҳукмдор!

...Ха, асримиз шошмакор, тезкор. Уйқусираган боламизнинг изини ювар-ювмас дастурхонга ўтказамиз. Ним қоронғида гўрс-гўрс мактабга жўнашди. Шу билан кечгача хайр. Улар чўнтагидаги биз берган чақалар билан ишдан қайтушимизча кўчада сандирақлаб юришди. Баъзан яхши оила фарзандининг безоридлигини эшитиб ёқа ушлаймиз: "Шундай оила фарзанди-я!" деб қулонамиз. Отасининг "қўй оғзидан чўп олмаганини", отасининг мунис-муътабар эканини эслаймиз: "Болаларга нима бўлгани ўзи?"

88 йил болалари... Каттани кичик қилиб қўйган шумшиқ болалар!

Муаллифнинг айрим фикрлари билан танишиб чиқингизми? Энди бутунги, 2010 йил арафасидаги болаларга қандай баҳо бериш? Уларнинг ўша, 1988 йилда болалардан қандай фарқи бор?

Сизларни билмадиму, менимча фарқи бор! Масалан, бугунги болалар маълум бир қўлайликларга эга. Булардан энг биринчилари компьютер билан уяли телефонлардир. Ахир ўша пайтдаги болалар симиэз телефон ҳақида умуман тасаввурга эга эмасдилар. Туғрими? Замонанинг сўнгги ютуқларидан бири бўлиш бу кашифёт ҳаётимизга шунчалар сингит келдики, энди нафақат мактаб, балки боғча ёшларига болакайларнинг қўлида телефон қўриб қолсақ, ажабланмаймиз. Бу яхшими ё ёмон? Очи-

гини айтганда, телефоннинг яхши жиҳатлари кўп. Масалан, болангиздан хавотир олсангиз, рақамини терасиз, вассалом. Овозини эшитиб, қардашининг билгач, хотиржам бўласиз. Еки бирор топириқ бермоқчисиз. Марҳамат, кўнгириқ қилиб, ишингизни буюраверинг. Бироқ, аввало бу қўлайликнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини билиб олишимиз шарт. Қола-

гизга энг оддий, ҳеч нарса ёзиб бўлмайдиганидан олиб беришлар... Директорнинг гапига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Ахир телефон туттишдан асосий мақсад фақат сўзлашув бўлган, бошқа нарсанинг нима кераги бор? Мажлис тугаб, уйга қайтар эканман, яна бир ҳолат ёдимга тушди. Ҳозиргина мажлис бўлиб ўтган синфда эркаклардан фақат директор иккала-

Ана сизга ўн беш яшар боланинг фалсафаси!

— Бу болаларни ҳеч тушунолмадим, — леиди ўша танишим. — Шу ўғлимни бокс секциясига бердим. Бир ойда қайтиб келди. Айтишчи, мураббий ҳар ҳафта кундалигини текширар, ёмон баҳо олган бўлса, сафнинг олдида чиқариб уялтирар, оғзидан бирор бемазроқ сўз чиқиб кетса, бошқа

КЕЛАЖАГИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН

верса, ҳамма нарсалда метёр деган нарсга бўлиши ҳам керак. Шундай эмасми? Фикримни мисоллар билан изоҳлашга ҳаракат қиламан.

Яқинда кенжа ўғлим мактабидида ота-оналар мажлиси бўлиши, директор ҳам қатнашиши ҳақида айтиб қолди. Айтилган вақтда етиб бордим. Мажлис бошланди. Директор давомат, ўқиш сифати ҳақида гапира туриб, уяли телефонларга ҳам тўхталиб ўтди.

— Тушунаман, ҳар қандай ота-она фарзандидан хавотир олади. Телефон қилиб, овозини эшитиб турса, хотиржам бўлади. Гоҳида дарс пайтида ҳам кўнгириқлар бўлиб қолади. Бунинг ҳам тушунишга ҳаракат қиламиз. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам борки, афсуски бунга етарлича аҳамият бермайсизлар. Масалан, бирортанлар яқин орада болангизнинг телефонини олиб, ичига нималар ёзилгани билан қизиқиб кўриндизми? Яқинда ўқитувчилар малакасини ошириш институтига бўлидим. Анча йиллик тажрибага эга таниш аёл ўқитувчининг гапини эшитиб, очини нима дейишини ҳам билмай қолдим. Унинг айтишича, кечки пайт 9-синфда ўқийдиган кенжа қизининг бошқа хонадонидагилай фойдаланиб, телефонини ёқиб қўрибди-ю ваҳимага тушибди. Телефонда шунчангити беҳаё фильмлар ёзилган эканки, боқини ҳушидан кетиш даражасига борибди. Бунга нима дейсизлар? Шахсан ўзим, ҳар кунни қамида ўн-ўн бешта боланинг телефонини олиб қураман. Сизлардан илтимос, шу томонига ҳам аҳамият бериб туринглар. Телефон тутмасин дейишга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун сизлардан илтимос, агар иложи бўлса, болаларин-

миз бўлиб, қолганларни аёллар ташкил этган экан, Шунда бекорга "Оталар ва оналар мажлиси" эмас, балки "Ота-оналар мажлиси" деб аталмас экан-да деган ўй ҳаёлимдан ўтди. Дарҳақиқат, синфда оталардан бир ўзим эдим. Айтмоқчи, директор бу ҳолатга ҳам эътиборни қаратган эди, икки-уч аёл эркакларнинг ишдан ортамастанини баҳона қилишди. Майли, улар ҳам ўзларича ҳақ. Бироқ, ўша, ўғил ёки қизининг мажлисига ўн дақиқа вақтини ҳам ажрата олмаётган ота туғй мавсумида кунига икки-уч ошга ташриф буюради, чойхонага — улфатчиликка ҳам улгуради...

Она-чи, агар ўқитувчи фарзанди ҳақида салбий фикр билдирса ҳам, барибир, "боласи жигаридан бўлган эмасми", бунинг эридан албатта, яхширалади. Уни тушуна бўлади, ахир ҳар хил ота бор. Айримлар тарбияни каттақлашдан иборат деб ҳам уйлаши мумкин-ку!

Энди компьютерлар ҳақида. Ўзим истиқомат қиладиган кўп қаватли уйнинг мулошида компьютер уйилари хонаси жойлашган. Ҳар кунни эрталаб ишга кетаётганимда ҳам, кечки пайт уйга қайтаётганимда ҳам бу ер болалар билан тавжум бўлади. Аксарияти кунда кўрганам боис, таниш бўлиб ҳам қолган. Кунда-шунда бўлган, ўқишга қачон бора экан, ҳайронман? Бундан ташқари, бу уйлардан теккин эмас. Пулни қаердан олишар экан?

— Албатта, отасидан, — дебди бир танишимнинг ўғли, — уларнинг адаси сизга ўхшаб ўғилдан пулни қизганмайди. Қачон қарам, уйда ўтир, дарс қил, дейсиз. Ада, уйда қиз бола ўтирди. Ўғил бола-чи, кўчага яратилган!

чора кўрар экан... Шундай бўлган, бола албатта спорт секциясига эмас, компьютер уйиларига югуради. Ахир у ерда ҳеч ким ундан кундалигини сўрамайди, хоҳласа кулади, хоҳласа сўкинади... Пулини тўласа бас. Ваҳоланки, айнан спорт билан ошно бўлиш орқали, болаларимиз нафақат жисмоний, балки маълум даражада маънавий дунёга ҳам эга бўлади-лар-ку! Улар бунинг ёш бўлганликлари туфайли англаб етмасалар, биз катталар нима қилиб юришимиз? Ахир ўсиб келаётган ёш авлодни тўғри йўлга солиш бизнинг асосий бурчимиз-ку!

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантаналар маросимиди маърузасида қорбошмиз Ислам Каримов 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилган, жумладан шундай деди: "...Авало, биз, яъни ҳалқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижалар ҳаракатларимизнинг негизидида нима туради?"

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодлар тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз.

Ҳақиқатан ҳам ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми?

Гофуржон АЛИМОВ,
"Huquq" мухбири

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Юртимизда ҳар бир йилнинг рамзий номла-ниши антанаси амалда ўзини оқлади. Рамзий номланган ҳар бир йилда мамлакат ҳаётининг, ҳалқ ҳўжжатиининг муайян соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилиб, ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2010 йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб номланишини ҳар бир ватандошимиз кўтаринки кайфиятда қабул қилганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Юртбошимиз Янги йилга айнан шундай ном берилиши сабабига тўхталар экан, жумладан шундай изоҳ берган эдилар: "Табиийки, барча эзу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз."

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда эмасми? Айнан мана шундай ҳар томонлама етук авлодига бугун ҳаёт олимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва кийинчиларини енгиш, биз қўлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта."

Дарҳақиқат, юртининг эртаси, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кўп жиҳатдан камол топаётган авлодга берилаётган эътиборга боғлиқ. Баркамол авлод деганда биз аввало, жисмонан ва маънаван баркамол инсонларни тушунамиз. Баркамол авлод эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун ижтимоий муҳит, қулай шарт-шароитлар, мафкура маълумлиги талаб этилади.

Республикаимизда бу борада эътироф этишга аргизулик ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзу ишларни биргина мақолада ёритишнинг имко-

ни йўқ, албатта. Масаланинг биргина жиҳати — жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спорт ва жисмоний тарбияга берилаётган эътибор масаласини олайлик. Истиқлол йилларида бу йўналишда мисли қўрилмаган натижаларга эришилди деб айтишга ҳаққимиз. Ёшлар спорти, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига берилаётган эътибор самараси сифатида бугун ёшларимиз жаҳон миқёсидаги шохсупаларга кўтарилишмоқда. Аксарият ёшларимиз соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ўзларида намоён қилиб, спорт ва жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиб келишмоқда. Юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, қад ростлаган кўйлаб спорт мажмуаларига кўзингиз-тушадил.

Албатта кимдир спорт билан муайян марраларни қўзлаб, яна кимдир саломатлигини сақлаш мақсадида шугулланади. Уларни бир мақсад — баркамолликка интилиш бириштиради.

Халқимизда "соғ танда соғлом ақл" деган ҳикмат бор. Бунинг спортига яқин инсонлар яхши тушунадилар. Спорт инсоннинг руҳан тетик, жисмонан соғлом бўлишида муҳим восита саналади. Жисмонан соғлом инсон ҳам ўзини, ҳам жамиятга кўпроқ фойда келтириши барчага аён.

Шу маънода Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти томонидан ҳодимларнинг спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ҳодимлар мавжуд спорт комплексидида ташкил этилган турли спорт машғулотларига мунтазам қатнашиб келишмоқда. Яратилган шарт-шароитлар, замон талаблари даражасида таъмирланган стадион машғулотларга қизиқишини янада оширмоқда. Бу албатта, иш жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Нодир ЮЛДАШЕВ,

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти катта инспектори

Президентимиз Ислам Каримов Конституциямиз қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида халққаро ҳамжамият ва тараққий топан мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, бугун унинг-ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳақида кириб боришини ўзи учун энг улуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билади, дея эътироф этгани бежиз эмас.

Зеро, ёшлар юрт келажаги, таянчи. Уларнинг баркамоллиги, мамлакатимизнинг тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ҳамжиҳатлик билан инти-

Юртимиз таянчи

лишлари биз барпо этаётган буюк давлатнинг пойдевори мустаҳкам бўлишга хизмат қилади. Айтиш мумкинки, кириб келаётган йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларимизнинг мантйқий давоми бўлиди.

Президентимиз мажмур маърузасида бу ҳақда шундай дедилар: "...биз юртимизнинг эртанги ривож йўлида қандай чуқур уйланган дастурларни тўз-майлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган курашларни бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги кунини, тараққиёти учун маъсулиятни ўз зиммасида олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, Уйлайманки, ҳеч қандай ҳола бўлмайди."

Мустақиллик йилларида таълим тизимига қаратилган юксак эътибор самараси ўлароқ, бугунги кунда "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ҳаётта таъбиқ этилган янгиликлар халққаро жамоатчилик томонидан эътироф этиб келинмоқда. Ислохотлар самараси сифатида юртимизда юзлаб янги ўқув масканлари қад ростлади, мавжудлари мукаммал таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шунинг ҳам айтиш мумкинки, ёшларга доир сисёат истиқлол йилларида ҳаминша устувор йўналишлардан саналган. Жумладан, назорат органи саналган прокуратура томонидан ҳам вояга етмаганлар, умуман ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, уларнинг ижтимоий муҳофазаси борасида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинаётгани фикримиз исботи бўлиши мумкин.

Ишонч билан айтиш мумкинки, "Баркамол авлод йили"да юртимизда бундан-да кенг қамровли ишлар амалга оширилди, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизга янада кенг имкониятлар яратилди.

Лола ШОМУРОВА,

Тошкент шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён жамиятимиз ҳаётида турли соҳалардаги ислохотларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган принциплар асосида амалга оширилмоқда. Бинобарин, ҳар қандай масала умуминсоний ва миллий қадриятлар муштарақлигида, қонун устуворлигига таянган ҳолда ҳал этилиши Конституциянинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Шу жумладан, ҳар бир шахсининг бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалликда ваколатли давлат органларига, муассаса ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам Конституциямизнинг 35-моддасида таъкидланади. Яъни, фуқароларимиз ҳуқуқлари давлатимиз томонидан ҳимояланиши кафолатланади.

ларга кўра бузиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиқ қилиш каби ҳолатлар қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган.

Ёдингизда бўлса жорий йилда мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари - 2009" мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақанинг Сирдарё вилоятида ўтиши муносабати билан катта тайёрларликлар кўрилатган қушларнинг бириди "Huquq" почтасига Гулистон шаҳрининг 4-мавзесида истиқомат қилувчи бир гуруҳ аҳоли номидан маддатлаб мактуб келди. Унда шундай сўзлар битилган: "...Гулистон шаҳар аҳолисининг қарийб 70 фоизи истиқомат қилаётган 4-ма-

логидан С.Бойқобилов йўлдаган хатда ҳам 2 ёшгача бўлган ёхуд барча турлиги нафақаларни тарқатишда Қамаш туман молия бўлимида қонунбузилишлар давом этаётганлигидан нафақа пулига муҳтож бўлган аҳоли номидан норозилик билдирган. Ариза ваколат доирасида ҳал этиш учун вилоят прокуратурасига юборилди.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки фуқаро Г.Солижоновнинг мурожаатини кўриб чиқиб, қуйдагиларни маълум қилади:

Халқаро валюта фонди ўзаро битим шартномасининг 30-моддасига биноан ("Г" банди) эркин муомаладаги валюта деганда ўша иштирокчи давлатнинг амалдаги кенг қамровли туловлар жараёнида халқаро валюта бозоридида асосий муомала воситаси сифатида ишлатиладиган валютаси аниқлашади.

Халқаро валюта фондининг 1978 йил 30 мартда қабул қилинган 5719-(78/46) сонли қарорига биноан қуйдаги эркин муомалада фойдаланиладиган валюталар рўйхати белгиланган:

АҚШ доллари, Немис маркаси, Француз франки, япон йенаси ва Англия фунт стерлинги.

Оқорида кўрсатилган рўйхатга асосан, шунингдек, Европа умумий валютаси бўлиши "евро"нинг киритилиши муносабати билан айни дамда тегишли банкларнинг валюта айрибошлаш шохобчалари томонидан қуйдаги валюталарнинг сотилиши ва сотиб олиниши амалга оширилмоқда:

1. АҚШ доллари
2. Евро
3. Япон йенаси
4. Англия фунт стерлинги

ПЕНСИЯ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Фуқаро З.Аликуловнинг ёшга доир нафақага чиқишда монелик қилаётган айрим муаммоларини ҳал этишда ёрдам сўраб ёзган аризаси юзасидан Сурхондарё вилоят прокуратурасининг ўринбосари А.Қ.Ниязов жавоб беради:

Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 12-моддаси "3" бандига асосан беш ва ундан ортиқ фарзанди бўлган аёллар уларни 8 ёшгача тарбиялаб, 50 ёшга тулганларида 15 йил стажга эга бўлса, 5 йил олдин пенсияга чиқишга ҳақли.

Шўрчи туман "Полтовно" маҳалласида яшовчи Аликулова Зулфия 1958 йил 13 февраль кунини Сариев туманида туғилган бўлиб, унинг 8 нафар фарзанди бор.

З.Аликулова томонидан туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилган ҳужжатларда Шўрчи туман "Полтовно" ширкат ҳўжалигида 1996-1999 йилларда ишлаганлиги ҳақида Шўрчи туман Давлат архиви томонидан 2 йил учун стаж берилган. Шунингдек, З.Аликулова томонидан "Озод" фермерлар уюшмасида жойлашган "Мусурмонбек" фермер ҳўжалигида 1997 йил 2 февралдан 2008 йилнинг 27 декабригача ишлаганлиги ҳақида буйруқдан кўчирма, иш ҳақи маълумотномалари тақдим қилинган. Шундай ҳолда З.Аликулованинг жами ишлаган иш даври 13 йилни ташкил қилган.

З.Аликулованинг Узун тумани собиқ Калинин колхозидида 1974-1977 йилларда ишлаганлиги ҳақида маълумот ҳам мажбуз бўлиб, буни тасдиқловчи ҳужжатларда Аликулова Зулфиянинг исми Эшпўлатова Зулфия деб ёзилган. Ушбу хатони тўғрилаш учун фуқаро З.Аликулова томонидан 2009 йил 26 март кунини фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судида ариза берилган. Мазкур ариза суд томонидан қўриладиган кун — шу йил 17 июнда тарафлар келмаганилиги сабабли қўрилмасдан қолдирилган. Ҳозирги кунда З.Аликулова фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига ариза берган бўлиб, ушбу фуқаролик иш қўрилиш арасида. З.Аликулованинг исми шарифига доир суднинг ҳал қилув қарори чиқаришдан сўнг унга ёшга доир пенсия тайинлаш масаласи кўриб чиқилади.

ИСТАГИМИЗ — ТАКЛИФ БИЛАН КЕЛСИНЛАР

Ўтаётган 2009 йил давомида "Huquq" тахририятини почтасига 1355 дан зиёд мактуб келди. Шулардан 300 дан ортигини ариза ва шикоятлар, 200 дан зиёдларини эса турли мазмундаги хат, хабар ва жавоблар ҳамда таклифлар ташкил қилди. Ҳа, мактублар сонини бепизи ташкилотларга қилинаётган мурожаатлар каби кўп эмас, аммо бу қараткичнинг оз ҳам деб бўлмайди. Айниқса, у "қарға, кимга мурожаат қилай?" ёки "менга ёрдам беринг" деган мазмундаги нома бўлар экан, унинг кўп ёки озлигининг аҳамияти бўлмас керак.

Мактублар ранго-ранг. Бирок ачинарлики, жойларда ҳал қилиниши лозим бўлган айрим, жоиз бўлса аризмалар масалалар ҳам олис масофалар оша қатна муаммолар ҳосил қилиб, пойтахтга етиб келмоқда! Ўша ранго-ранг мактубларнинг бир-бирига ўхшаш мазмунда тез-тез учрашини эса таъкидлашдан илоҳимиз йўқ. Маълумки, ўзбек халқи бола-жон халқ. Айнан шун болажонлигимиз туфайли ҳам баъзан ер ва уй-жой танқислиги муаммосига учраб турсак керак. Бу муаммони ҳал этиш масаласи эса кўпгина фуқароларни сардорлон бўлиб, ташкилотма-ташкилот аризабозлик қилиб юришга мажбур қилиб қўймоқда. Масалан, фуқаролар Ҳ.Ҳамидова, Ф.Отмуродов, М.Маматова ва Р.Солтис (Самарқанд вилоятининг Пастларгом, Ургут туманларидан), З.Атаниязова (Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл туманидан), Б.Улашев (Сурхондарё вилоятиндан)лар ҳам уй-жой масаласини ҳал этишда ёрдам сўраб тахририятга мурожаат қилганлар. Ёзилган хат, шикоят ва аризалар мазмунидан маълум бўладики, оилада жон бошининг тақлигиндан яшаш учун уй-жой танқислигига учраган айрим фуқароларимиз баъзан ноқонуний равишда, ўзбошимчилик билан уй-жой қўриб олишлари натижасида қаршиликка учраб, яна ариза ёзиш ва ташкилотма-ташкилот сарсон бўлишларига тўғри келган.

"1959 йилда қурилган, шу кунларда қулай-қулай деб турган 5 хонали уйда 4 ўғил ва келинларим, 16 нафар неварам билан яшаб келмоқдамиз. Ўзлукбег ОФИГА, Тўртқўл туман ҳокимлигини ҳар йили бир неча бор мурожаат қилганимизга қарамай мурожаатларимиз қаноатлантирилмай келинмоқда.

Хатто, бир ҳал юқори ташкилотта ёзган шикоятимиз натижасида текшириш учун келишиб, муаммоимизни "ечинди". Томорқамизни ўлчаб, унда яшаш учун уй-жой қуришни таклиф қилишди. Ахир, томорқани бузиб, устакча курсак 16 жон нима ёчи-ёқди!"

"Ўзлукбег ОФИ да яшовчи Г.Раджапов ҳам турар-жой қуриш учун белгилаб берилган ер майдо-

нида қурилиш қилаётганига қўшини И.Джумабеёвнинг қаршилик кўрсатётганлигидан норози бўлиб тахририятга мурожаат қилган. Ушбу мурожаатлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари С.Самалдовнинг жавоб беришича, ҳолат текширилганда фуқаро Г.Раджапов янги турар-жой қурилиш ишларини режалаштириётган ер майдонини туман ҳокимлиги захираси ерлари ҳисобланиб, ҳокимлик томонидан турар-жой қурилиши учун бирор-бир фуқарога рўхсат этилмаганлиги маълум бўлган. Текшириш давомида Г.Раджапов ва И.Джумабеёвлар ҳеч қандай рўхсатномага эга бўлмасдан тузил, қурилиш ишларини режалаштиришларини аниқлашиб, бу ишлар тўхтатишган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сонли Қарорига асосан уй-жой қурилиши учун ер майдонини факат "Ким ошди савдоси"га қўйилган кейин савдога ютган фуқароларга берилиши тушунтирилиб, аризаларига ёзма равишда жавоб берилган.

Самарқанд вилояти Пахтачи тумани "Мисит" қишлоқ фуқаролар йиғини "Хайит Элбег" маҳалласининг бир гуруҳ аҳолиси номидан Ф.Мухаммадиева ҳам томорқа ер майдонларининг ноқонуний равишда олиб қўйилганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат қилган. Ушбу хат юзасидан Пахтачи туман прокурори Ш.Номозовнинг маълум қилинишича, туман ҳокими томонидан 2009 йил 13 январь кунини "Аҳоли қўшимча томорқаларини фермер ҳўжаликлари ихтиёрида бўлган ерларга қисман алмаштириш тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Мазкур ариза юзасидан туман прокуратурасининг аризаларини билан фуқаро Ф.Мухаммадиева ва бошқаларга қарорда кўрсатилган микдордаги қўшимча томорқа ажратиб берилиши таъминланган.

Тахририятимизга келаётган мурожаат муайян соҳа эмас, балки ижтимоий ҳаётимизнинг кенг жаҳаллари, хусусан электр-энергетикадаги узилиш ва чекловлар, табиий газ билан боғлиқ муаммолар, суд қарорларининг ижро этилмаслиги, суд қароридан норозилик ҳамда ИИБ ва солиқ идоралари ҳодимлари устидан ёзилган норозилик ва тендер масалалари бўйича келган хатларни ҳам киритиш мумкин.

"Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасида мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлиги ҳақида айтиб ўтилади. Яъни, фуқаролар мурожаатларига эътиборсизлик қилиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узатмас сабаб-

зе ҳудудиди 2 та Педагогика коллежи, Академик лицей, Оилавий полисликни, 2 та мактаб ва 2 та болалар боғчаси, 70 дан ортиқ 4 ва 5 қаватли уйлар жойлашган. Аммо мавзедо каналлация тармоқлари бутунлай ишламайди. "Гўзал" номли 9-боғча-мактаб мажмуасининг ҳовлиси каналлациядан чиқаётган ифлос сув билан қопланган... Хуллас, уйларнинг олди ертўладан чиқаётган ифлос ҳудуд кўлга айлانган. Одамлар қатт қишда ҳам пашахоналарда ухлашади..."

Биз бу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига, вилоят санитария эпидемиология марказига, шаҳар ҳокимлигига хат билан мурожаат қилганмиз. Аммо..."

Мактуб "Huquq"нинг 2009 йил 3-сониди "Мададаллаб мактуб" руқнида "Мавзедога" "ҳовуз"лар" фотолараси билан биргаллик чоп этилди. "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун талабига кўра у тегишлилиги жиғилишди Сирдарё вилоят ҳокимлигига жўнатилди. Орадан бир ой вақт ўтиб, В.Қаршиев, Р.Азиев ҳамда Я.Патидиновларнинг фамилиялари битилган миннатдорчилик мактуби келди. Ариза бир қарашда "аноним" яъни, имзосиз хат эди. Шу боис, "миннатдорчилик мактуби"нинг айнан кимга тегишли эканлигини аниқлаш олмадик. Шундай бўлса-да, мактубда маълум қилингандек, мақола чоп этилганидан сўнг бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган, аҳоли норозиликларига сабаб бўлаётган салбий ҳолатларга қисман бўлса-да барҳам берилгани айтиб ўтишган. Агар шу гаплар рост бўлса, нур устига нур...

Қашқадарё вилояти Чирокчи туманидан фуқаро И.Шукуров ундан қардор бўлган М.Аймуродовдан 473612 сўмини ундириш бўйича ФИБ Қарши туманлараро судининг 2006 йил 11 декабрдаги ҳал қилув қарорининг ижроси таъминланмаётганидан норози бўлиб, шикоят аризасини ёзган. Аризда келтирилган масала Қашқадарё вилоят прокуратурасининг аризаларини билан ҳал қилиниб, 2009 йилнинг 14 февраль кунини қардор М.Аймуродовдан ундирувчи И.Шукурова қарзни қоплаш эвазига 700 000 сўм ундириб берилади.

Ўтган йиллар билан солиштирганимизда 2 ёшгача бўлган болалар пулини ўз вақтида ололмаслик ёки шун жараёнда тўғирланishi лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш ишларидаги тушунмовчиликлар ва норозиликлар билан аризалар сони 2009 йилда бир мунча камайганлиги куюнарли. Шундай бўлса-да, бу каби мурожаатлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Масалан, яқинда Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Л.Мухаммадиев ДФУ, "Гулистон" қиш-

Тахририятга келаётган ариза ва шикоятлар ичиди жиноят ишлари бўйича судларнинг чиқарган қароридан ёхуд фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларига берилган даъво аризаларининг асоссиз равишда қўрилмай келинаётганлигидан норозилик билдирилган мактублар ҳам борлигини айтиб ўтган эдик. Шу турдаги аризаларнинг барчаси ваколат жиғитидан тегишли бўлган орган ва идораларга юборилди. Яқинда Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғида яшовчи фуқаро С.Олимов жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2009 йил 12 августда чиқарилган ажрими ва вилоят суди кассация инстанциясининг 2009 йил 10 октябрдаги ажримидан норози бўлиб, ишни атрофлича қайта кўриб чиқишлишида ҳамда тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазого алмаштиришда ёрдам сўраб қилган мурожаати юзасидан Республика Бош прокуратурасининг бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Б.Пайзиев жавоб берди. Унда жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2009 йил 11 ноябрдаги ажримида кўра 64/75 сонли жазони ижро этиш муассаса маъмуриятининг 2009 йил 5 августдаги маҳкум С.Олимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддаси татбиқ этилиб, жазони енгилроқ билан алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси қаноатлантирилиб, озоқликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Бу ҳақда ариза-чи С. Олимовнинг тахририятга йўллаган миннатдорчилик мактубини мисол қилиб келтириш ўринли бўлса керак. Унда жумладан шундай дейилади:

"Жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг чиқарган ажрими ҳамда вилоят суди кассация инстанциясининг ажримида норозилик бўлиб ёзган аризаларимни назарга олиб, мурожаатларимнинг ижобий ҳал этилишида бевосита ёрдам беришгани учун "Хуқуқ"га оидимиз номидан миннатдорчилик билдирдим. Ҳозирги кунда озоқликка чиқишга муяссар бўдим.

Самимий ҳурмат билан С.Олимов"

Ўтаётган 2009 йилимизда ортиқчи муаммолар аке этган аризаларнинг бир мунча камайганидан хурсандимиз. Ниятимиз келгуси 2010 йилда хоҳ у орган, хоҳ у муассаса, борингки тахририят бўлсин у ерга инсонлар муаммо, ариза ва шикоятлар билан эмас, балки юртимиз ободлиги, равнақи ва келажаги йўлида фойдали таклиф ва мулоҳазалари билан мурожаат этишларини истар эдик.

Маъмура ДУСИЯРОВА,
бўлим муҳаррири

ХАМҚ МАНФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Сир эмаски, мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, миллий валютанинг қадр-қиммати ва аҳоли фаровонлиги кўп жиҳатдан давлат валюта захирасининг кудратига боғлиқ. Шу боис ҳам, валюта муносабатлари давлат эътиборидagi масалалар сирасига кирди.

Бошқармамиз томонидан 2009 йилнинг 11 ойи давомида валюта қимматликларини ноқонуний муомалага киритишнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширишларда 58 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 28 та ҳолат бўйича маъмурий ва 30 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилди. Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ҳуқуқбузарлардан 114384 АҚШ доллари, 369 960 Россия рубли, 5700 қозоқ тенгеси, 189 689 киргиз сўми ҳамда 53 790 000 ўзбек сўми далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бошқармамиз ва ҳудудий бўлимларимиз томонидан валюта қимматликларининг олди-сотдиси билан шугулланаётган шахсларни аниқлаш борасида ҳам қатор тезкор тадбирларнинг ўтказилиши натижасида мавжуд қонунларга чап бериб, хорижий валюта алмаштиришни ўзига "касб" қилиб олганларнинг пайи қирқилмоқда.

Айниқса, бошқарма, туман бўлимларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан бир борадар ҳамкорлиги туфайли ҳам сези-

ларли ижобий натижаларга эришмоқдамиз. Жорий йил вилоят ИХХБ, МХХ Қўргонтепа туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Андижон-Қўргонтепа йўналиши бўйича ҳаракатланаётган, фуқаро А.Холматов бошқарувидаги "Nexia" русумли автомашина назорат тартибидея тўхтатилганда, Андижон шаҳри, Янги бозор

эски ҳунарларини ташлашлари қийин кечмоқда. Шундайлардан бири эликч ёшни қоралаб қолган Абдурахим Отабоевдир. Тайинли жойда ишламай, оиласини ноқонуний топган даромади билан теб-ратиди. У аввал ҳам икки марта судланган бўлса-да, бундан тег-тишли ҳулоса чиқармагани афсус-ланарли, албатта.

Уша куни ҳам "иш жойи"га,

олгач, Абдурахим пайдо бўлиб, қўлидаги доллардан 1800 ажратиб берди.

Уларнинг савдоси охирига етмади. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари уларнинг фаолиятига нуқта қўйишди. Ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шугулланган Абдурахим Отабоев билан Нодир Тожибоевларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан

лади-ю оқибатда ноқонуний савдо билан қўлга тушиб, кўп миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда муомалага киритганлиги учун жиноят ишлари бўйича Асака шаҳар суди томонидан судланди.

Ж.Мирзаев бундан тегishiли ҳулоса чиқариб олгандир, дерсиз. Афсуски ундай эмас экан. Бозор яқинида турган Жалолддин яқинлашган харидорга сотиладиган доллари борлигини шипши-

- Қанчадан бўляпти?
- Қанча керак?
- 200.
- Бўлди, ҳозир...

Харидор иши осон биттанидан қувониб, ёнидаги пуллари унга узатди. Жалолддин пуллари санаб олгач, доллари аёлга бераётган чоғда ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан ушланди. Унинг ёнидан 650 АҚШ доллари, 1000 киргиз сўми ва 2 миллион сўм ҳамда харидорга сотилган 200 доллари олиб қўйилди. Жиноят жазоси қўлмайди. Жалолддин Мирзаев қўлмишига яраша жазосини олди.

Дарҳақиқат, ойна этак билан ётиб бўлмайди. Юқоридагилардан ҳулоса қилидиган бўлсақ, қинғир, ноқонуний иш ҳеч қачон яхшилик билан тутамган.

Муҳаммадхон РЎЗАМТОВ,
Бш прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти
Андижон вилоят бошқармаси
бўлими бошлиғи

ВАЛЮТАФУРУШЛАР ФОШ ЭТИЛМОҚДА

ҳудудидagi валюта айирбошлаш билан шугулланувчи шахслардан 6000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда жами 8 940 000 сўм бўлиги аниқланиб, жами 40 000 АҚШ доллари ва пуллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Автомашина қўздан кечирилганда, ҳужжатлари бўлмаган, 34000 АҚШ доллари ва 437 500 сўм борлиги аниқланиб, жами 40 000 АҚШ доллари ва пуллар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Маъмур ҳолат юзасидан А.Холматовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилди ва жиноятчи қўлмишига яраша жазосини олди.

Бели оғрайи пул топишга ўрганиб қолган кимсаларнинг

Андижон шаҳридаги Марказий деҳқон бозорига йўл олди. Бозор дарвозаси олдида турганида бир эркак билан аёл киши яқинлашди.

— Ака, доллар олмоқчи эдик. Қанчадан бўляпти?

- 187 дан.
- 1800 керак.
- Бор.

Абдурахим оқрасига ўгирилиб, шериги Нодирга имо қилди:

— Нодир, буларнинг пуллари

панада санаб олиш керак. Нодир уларни йўлнинг нариги томонида турган "Матиз" томон етаклади. У машина эгитини очар экан, харидор қўлидаги сумкани узатди. Абдурахим бўлса, дўпписини салонга қўйиб кетди. Нодир машина ичида пуллари санаб

жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди ушбу ишни кўриб чиқиб, А.Отабоевга энг кам ойллик иш ҳақининг юз баравари, Н.Тожибоевга эса 75 баравари миқдорда жазмо жазоси тайинланди. Иш бўйича ашёвий далил бўлган 2000 АҚШ доллари эса давлат фойдасига мусолара қилинди.

Жалолддин Мирзаев ҳам ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олмаганлардан экан. У, агар истаса, қўлидан дурустгина иш келадиган йигит. Лекин жонини қойитиб меҳнат қилиш ўрнига пул топишининг осон йўлидан боришни маъқул кўрган бу кимса "Қора бозорлар"да "фаолият" юритаётганларнинг қўлида даста-даста пул тутиб юрганига ҳавас қилди. "Иш"ни бош-

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Шу йилнинг 7-9 декабрь

кунлари Хитой Халқ Республикасининг Гуйлинь шаҳрида Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳининг (ЕОГ) ишчи гуруҳлари йиғилиши ҳамда навбатдаги ялпи мажлиси ўтказилди. Ушбу мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти ҳамда Марказий банки вакилларидан ташкил топган Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Ялпи мажлисда Беларусь, Қозғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон сингари ЕОГга аъзо давлатларнинг молиявий разведка бўлимлари раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек ЕОГга қузатувчи макомига эга бўлган мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар экспертлари қатнашдилар. Ялпи мажлис чоғида ЕОГ ҳамда унинг ишчи органларининг 2009 йилдаги фаолияти натижалари кўриб чиқилди ва 2010 йилда амалга оширилиши лозим

бўлган режалар белгилаб

олинди. Мажлисда ЕОГга аъзо мамлакатларга жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий режамаларни ташкиллаштириш ва тақомиллаштириш борасида ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш йўлида ЕОГнинг муҳим ишларини амалга оширгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу ишлар билан бир қаторда ЕОГ иқтисодий жиноятчиликка ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ҳудуддаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратилган улкан стратегик ташаббусларни амалга оширгани ҳам эътифод этилди. ЕОГга аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолаш ишлари бошлангандан бери жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимларни яратиш ва тақомиллаштиришда эришилган ютуқлар тўғрисидаги ҳисоботлари муҳокамаи ялпи мажлис-

нинг марказий масаласи бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ЕОГнинг тегишли ишчи гуруҳи томонидан 2009 йил давомида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича ЕОГ экспертлари томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишдаги хавф-хатарлар нуқтаи назаридан бешта йўналиш бўйича энг қатъис зоналар таҳлил этилди ва тегишли таъкидлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, ялпи мажлисда молиявий мониторингнинг халқаро ўқув-устуви йили марказининг 2009 йилдаги фаолияти натижалари ҳам кўриб чиқилди ва таъкидланди. Ялпи мажлис натижалари бўйича ЕОГ қузатувчилари таркиби кенгайди. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича Осиё-Тинч океани гуруҳига (ОТОГ) қузатувчи маком берилди.

Саидабдор ГҲЛЯМОВ,
Бш прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти бўлими
бошлиғи

Давлатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлиқни ривожлантириш бўйича барча асослар яратиб берилган. Уларга кредитлар бериляпти. Ҳуқуқий тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ҳимоя қилинмоқда. Лекин гуруҳ қурмакис бўлмайди, деганларидек айрим кишилар ўзларини тўрт та-рафга уриб, ноқонуний иш юритишни эп кўришмоқда. Натижа аёнки, улар бугун қонун олдида жавоб беришяпти.

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 331-сонли қарорининг ижроси юзасидан бўлимииз томонидан 2009 йилнинг 11 ойи давомида 31 та текшириш ўтказилиб, шундан 27 та ҳолат бўйича жиноят иши ва 4 та маъмурий ишлар қўзғатилди. Қўзғатилган жиноят ва маъмурий ишлар бўйича ўтказилган текширишлар натижасида 90 649,3 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жаримлар ҳисобланиб, шундан 90 402,3 минг сўми ундирилди. Жиноий ишлар юзасидан 33 120 минг сўмлик товар-буюмлар олиб қўйилди. 24 648,8 минг сўмлик товар-буюмлар сотилиб, давлат бюджетига ўтказилди. 35 131,8 минг сўмлик моддий зарарнинг 5 257,4 минг сўми қопланди.

Бўлимииз ҳаммаши сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар билан курашиш келмоқда. Жумладан, ўтган 11 ой давомида 8 та ҳолат бўйича яширин цехлар фош қилиниб, 1 та ҳолатда маъмурий, 6 та ҳолатда жиноий иш қўзғатилди. 6 та қўлбола мойжувоз мосламаси борлиги аниқланиб, 13,3 минг сўмлик 202 кг. пахта чигити, 1568 кг. кунжара, 78 литр ўсимлик мойи ва бошқа товарлар олиб қўйилди.

Беруний шаҳар Ҳазорасп қўчаси 10-йўлда яшовчи фуқаро Мухаллас Сафасева ўзи яшаб турган уйнинг қўшимча хонасида электр тармоғига ўзошимчилик билан уланиб, қўлбола усулда ишланган "мойжувоз" ускунаси орқали пахта чигитидан ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш билан шугулланиб келадиганлигини аниқлади. Текшириш давомида унинг яшаб жойи ва ёрдамчи хўжаликлари қўздан кечирилганда, 1 дона қўлбола усулда ишланган "мойжувоз" ускунаси, 32 кг. пахта чигити, 7 метр бўлган электропроволда, 1 дона электр автомат, 125 кг. жувоз кунжараси ва 20 кг.лик 1 дона

тарози ашёвий далил сифатида олинди. Қонунбузарга суд томонидан тегишли чора қўрилди.

Бўлимииз томонидан ноқонуний валюта муаммосини аниқлаш бўйича ҳам 2 та жиноят ва 1 та маъмурий иш қўзғатилди, ҳуқуқбузарлардан 2707 АҚШ доллари, 15 000 Қозғистон тенгеси, 4310 Россия рубли ва 497 минг сўм пуллар олиб қўйилди.

Туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда шаҳримиздаги Шерозий қўчаси 49-йўлда яшовчи фуқаро Бердиев Чавдирбо "Шоббоз деҳқон бозори" олдида фуқаро Р.Тўраевага ноқонуний равишда 4310 Россия рублини 68 сўм 50 тийиндан жами 296 минг сўмга сотган вақтида ушланиб, Ч.Бердиевдан жами 4310 Россия рубли, 497 минг Ўзбекистон сўми, 1 дона "кенки" калькулятори ва 1 дона "шпакар" сумкаси ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди. Эллиққалта туман ЖИБ суди томонидан Ч.Бердиев тегишли жазосини олди.

Бўлимииз томонидан спиртли ичимлик, спирт, тамаки ва яхна ичимликларини ноқонуний муомалага киритиш, коррупция ва мансабдорлик ҳолатлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари бўйича ҳам ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди.

Халқимизда "қилмиш-қилдириш" деган ибора бор. Ҳар ким ҳаётда эканини уради. Қонун ҳеч қачон бундайлар билан мурося қилмайди. "Кўза кунда эмас, кунда си-нади" дейдилар. Ҳар қандай ноҳус иш бир кун келиб ташвиш келтириши аниқ. Бундан сохта тадбиркорлар эсидаан чиқармасалар яхши бўларди.

Кахрамон ҚҮРБОНОВ,
Бш прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК
департаментининг Беруний туман
бўлими бошлиғи

Қарор ижроси амалда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда)

Яна бир мисол. Департаментнинг Миробод туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда эса, фуқаро А.Курбанов чет элда ишлаб чиқарилган, сифат сертификати бўлмаган жами 7697 дона 900 минг сўмлик "Новый век", "Бенгальские свечи", "Хлопушка Карнавальная", "Sparker good", "Pirocolor esterlites" каби 1350 та пиротехника воситаларини муомалага кири-таётганлигида қўлга олинди.

Янги йил баҳонаси билан мўймай даромад ишлаш иланишида бозорларга, турли таъқиқланган жойларда қонунга хилоф равишда пиротехника воситалари

билан савдо қилаётган кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсадида Департаментнинг барча бошқармалари томонидан ишлаб чиқилган режаларий тадбирлар уюштирилмоқда. Унга асосан махсус сертификат бўлмаган пиротехника маҳсулотларининг республика ҳудудига кириб келиши, сақланиши, сотилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда ҳамда кенг қамровли тушунтириш ишлари, тарғибот ва ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Муродбек ҒОҒУРОВ,
Бш прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК Департаменти
катта инспектори

Бу муҳим воқеа ўша кунёқ бутун Самарқанд шаҳрига тарқалди. Фожия тафсилоти шу қадар аянлик эдики, бунга кимдир ишонди, кимдир ишонмади...

Анвар билан Нодира 1996 йилда турмуш қуришди. Бирин-кетин оилада бир-биридан ширин қизалоқлар туғилди — Азиза, Амира, Саида. Четдан қараганда, оила бекаму кўст, ҳамма ҳавас қилса арзигulik эди.

Анвар дастлаб тирикчилик ташвишида шаҳардаги корхоналардан бирида бироз ишлади. Сўнгра таниш-билишлари орқали Корея давлатига ишга кетди. У шу кетишда олти йилдан сўнг уйига қайтиб келди. Икки йил оиласи бағрида яшади.

Икки йилдан кейин яна четта кетадиган бўлди. Унинг қарорини эшитган хотини "шу ерда ҳам ишингиз яхши-ку, нима қиласиз

— Яқинда онам Тошкентта санаторияга бормоқчи. Рухсат берсангиз мен ҳам онам билан бирга бориб, дам олиб келардим, — деди.

— Хўп, борсанг-борақол, болаларга ўзим қараб тураман, — деди Анвар.

ҳозирлаган озиқ-овқатларини онасининг уйига ташлаб келди.

— Эрим санаторияга бормайсан, деди. Ўзимнинг ҳам боргим келмаяпти, болаларим ҳали кичкина, — деди у онасига.

Онасининг уйдан қайтган Но-

чиқаман, — деди Шахло.

У юмушларини бирров қўйиб, кўшинсининг уйига югурди. Дарвозани очган Шахло ерда қонига беланиб ётган Азизани қўриб доғлаб юборди... Ундан сал узоқроқда Анвар беҳуш ётарди...



Дарвозани очган Азиза отасининг мақсадини англамасдан, унга пешвоз чиқди. Қизалоқ дарвозани ёпиб, отасига ўтирилганда болтанинг зарбидан ерга ўтириб қолди. Ваҳший ота эса яна болтанинг орқа томони билан қизининг бошига урди. Сўнгра у уйга кириб, диванда ётган Амирага болта уқталди.

— Дадажон, мени урманг, — деди Амира.

Аммо у бу пайтда одамийлик сиёҳини бутунлай йўқотганди. Рашк ўти кўзини кўр қилган эр хотинининг аламини норасида гўдаклардан ола бошлади. Иккинчи болта зарбидан сўнг Амира ерга қулади.

Сўнгра у кичик қизи Саидани излай бошлади, ошхонадан тополмагач, ётоқхонага ўтди. Эндигина уйқудан турган Саида компьютер ёнида мультфильм қўриб ўтирарди. У ўғирлиб бегубор нигоҳларини отасига қалаган пайтда

БЕГУНОҚ ФАРЗАНДЛАР ҚИСМАТИ

чет элда", дея эрининг кетишига қаршилик қилди. Аммо, Анварнинг қарори қатъий эди, у бу сафар Исроил давлатига кетди. У ерда ҳам икки йил ишлади.

2009 йилнинг 28 май кuni хориждан қайтиб келган Анвар қизларини бағрига босаркан, болаларни анча катта бўлиб қолганини қўриб қувонди.

— Бўйи чўзилиб қолибди-ку қизларимизнинг, — деб қўйди хотинига.

Қизлари ҳам отаси уйга қайтганидан ниҳоят хурсанд эдилар. Айниқса, кичик қизи Саида эндигина уч ёшга тулган бўлиб, отаси хорижга кетаётганда ҳали чақалоқ эди. Шунинг учунми, Саида отасидан ажралмас, уни ана йўқотиб қўйишдан қўрққандек доимо ортидан изма-из юрарди.

Уйдан Анварни қўришга келадиган қариндош-уруғларнинг қалами узила бошлагач, Нодира эрига:

Нодира эрининг руҳсатини олгач, йўлга тайёрларлик кўра бошлади. 29 июнга ўтар кечаси аёл нарсаларини сумкаларга жойлаштирди. Эри унга ёрдамлашиб, қўлига пул ҳам берди. Эрталаб у онаси билан йўлга чиқиши керак эди.

Анвар хотинига руҳсат беришга берли-ю, аммо негадир юрагига гулгула туша бошлади. Туни билан "Хотиним нега энди мендан қочиб, санаторияга кетмоқчи?! Ёки мен йўғимда..." — дея ёмон ҳаёлларга берилиб, ухламай қикди. Ёмон уйлارга берилгани сайин, Анварнинг юраги безовта бўла бошлади. У хотинига берган ваъасидан афсусланиб, қароридан қайтди. Эрталаб бўлишини ҳам кутмасдан туниги соат 4 лар атрофида Нодирани уйғотиб: "Ҳеч қасрга бормайсан!" — деди қатъий. Хотини эрининг вазоҳатидан қўриқиб, лом-мим демади. Ҳатто "Нима учун бормайман?" — деб ҳам сўрамади. Аёл эрта саҳардан йўлга

дира ишга отланаркан қизи Азизага:

— Синглинг Саидани богчага бериб, ўзинг ишхонамга бор. Бирга бозорга чиқамиз, — деди.

У болаларига кийим-кечак олиб бормоқчи эди. Азиза онасини дарвозагача кузатиб қўйди. Дарвоза олдида Нодира қизи билан хайрлашаркан, болаларини сўнгги бор кўраётганини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Аёл эридан хафа бўлгани учун у билан хайрлашмасдан чиқиб кетди.

Нодира ишга боргач, негадир юраги безовта бўла бошлади. Азиза келавермагач, хавотир олиб бир-неча бор уйига телефон қилди. Аммо гўшақни ҳеч ким олмади. Шундан сўнг, унинг хавотирини баттар ошиди ва қўшинси Шахлога қўнғироқ қилиб:

— Илтмос сиздан, уйимдан бир хабар олинг. Қизим келиши керак эди, ҳалигача йўқ, — деди.

— Хўп, хавотирланманг, ҳозир

Бирпасда ҳовлига қўни-қўшни туғланди. Уй ичиди Амира ва Саидалар ҳам қонга беланган ҳолда жонсиз ётишарди...

Йигилган оломон ичиди:

— Болаларини отаси чопиб ташлабди, — деган гап тарқалди.

Анвар хотини ишга кетганидан сўнг, юрагиди шайтон васвасасини чиқариб ташлай олмади. Негадир кўз олди қоронгулашиб, асоссиз рашк ўтида қовурила бошлади. "Мен йўғимда у бирортасини топанг, деган ўй унга тинчлик бермади. У нима қиларини билмасдан, тентираб отасининг уйига борди.

— Болтангизни бериб туринг, — деди отасига.

— Нима қилсан?

— Ошхонага кафель термоқчи-ман.

— Ана олавер, — дея отаси болта турган жойни кўрсатди.

У отасининг уйдан болта ва сим олиб чиқди.

болта зарби уни ҳам йикитди...

Анвар қизларини "тинчитиб" бўлгач, ўзини ҳам ўлдиришмоқчи бўлиб, ҳовлига чиқди. Отасининг уйдан олиб келган симнинг бир учини бўйнига ўраб, иккинчи учини электр токига улади. Ток ургач, бироз вақт беҳуш бўлиб ётди, аммо ўлмади. Шундан сўнг у томоғига пичоқ урди, лекин пичоқ яхши кирмади. Кейин эса чал қўлининг томирини кесиб юборди...

Воқеадан огоҳ бўлган қўшинлар зудлик билан уни шифохонага элтди. Анвар Зокировнинг ҳаёти сақлаб қолинди, аммо унинг шириндан-шакар қизлари ўз отасининг ёвузлиги туфайли эрта оламдан ўтдилар. Ушбу жиноят иштини ўрганиб чиққан оқил суд ҳайъати Анвар Зокировни умрбод озодликдан маҳрум этди.

Абдулла ТАЙЛОКОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Ҳадисларда айтилишича, бировга зулм қилиш ва қариндошлардан узилиб кетиш жазоси тез билинадиган ёмон ишлардан ҳисобланади. Чироқчилик Сарвар Эрдонов ана шундай ёмон ишга қўл уриб, юзи қаро бўлди. Эндигина 20 ёшга кирган Сарвар навқирон йигитлик чоғида оғир жиноят содир этиб, одам ўлдиришга қасд қилишдек муҳим тавқил лаянати бўйнига илб олганлиги ҳар қандай кишини афсуслантиради. Яна кимни денг, ўз амакисини ва бошқа яқинларини ўлдиришга қасд қилган Сарвар, яхшиямки бу қабиҳияни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда охирига етказолмаган. Лекин болта билан уларга ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказишга улгурган ва қонга бўялган жиноят курулини ташлаб қочиб қолган...

Ҳар қандай оқибатни келтириб чиқарувчи сабаблар бўлиши диалектидан бизга маълум. Сарварни ҳам жиноятга етказилган сабаблар бўлган, албатта. Энг асосий сабаб унинг ўта саводсизлигидир, десак тўғри бўлади. Қолаверса, оилавий жанжалларнинг бошида турган катталарнинг бир-бирларига бемехрлиги, беандишалиги фожиянинг келиб чиқишига сабаб бўлганлигини айтиш керак.

Эрдоновлар хонадонини Чироқчи туманидаги Гафлакор қишлоғида ҳамма бишди, ота-болалар ўртасидаги келишмовчиликлардан ҳам кўнчили хабардор. Тергов ва суд жараёнида шу нарсга маълум бўлдики, хонадон бошлиғи Ҳолмат Эрдонов фарзандларининг ҳаммаси билан бир хилда яхши муносабатда бўлмаганлиги сабабли уларнинг орасида тез-тез жанжаллар чиқиб турган.

Ҳолмат бобо кенжа ўғли Нуралининг оиласида улар билан бирга яшагани ҳолда катта ўғли Мойлига ҳам ул-булдан қарашиб турганлиги Нуралига ёқмайдди. Илгари, яъни 2003 йилда отаси Мойлига молларини бериб юборганлиги учун жанжаллашиб, кек сақлаб юрган Нурали шу йилнинг 20 июль кuni яна отаси билан айтишиб қолди. Бу жанжалга отаси қўрагини қўлғини бузиб, битта эшик ва темир оҳури сўроқсиз олиб кетишгани сабаб бўлган эди. Изоҳ тариқасида шунини айтиш керакки, ота-бола ўзаро келишолмагач, бир ҳовлида яшаса-



лар-да, кириш-чиқиб эшикларини алоҳида қилиб олишган эди. Алқисса, ота-ўғилнинг жанжали шу даражага етдики, натижада ўғли отасининг қўлларини қайириб, молхона эшигига боғлаб қўйди. Жанжалдан хабар топан маҳалла оқсоқоли ва профилактика инспектори етиб келишгач, Нурали отасининг қўлларини ечади. Нурали ўзининг булай номақбул хатти-ҳаракатини агар отасининг қўлларини боғлаб қўймасе, у бирон қасофат қилиши мумкин эди, дея изоҳлаб ўзини оқлайди. Унинг айтишича, отаси Нуралининг ўғли, яъни ўз набираси Шерзоднинг бўйнига ўроқнинг орқаси билан уриб, хотинига қарата "Пичоқни олиб кел!" деб бақирган. Оқсоқол ва бошқа одамлар жанжални бости-бости қилишиб, стресс ҳолатидаги Ҳолмат Эрдоновни касалхонага жўнатишди.

Мойли Эрдоновнинг ўғли Сарвар воқеадан хабар топанг, бобосини урганлиги учун амакисини Нуралидан қаттиқ ранжиди.

21 июль кuni кечки оқватдан сўнг кино қўриб ўтирганлида отаси маст ҳолда келадиганини кўргач, ўзини ухлаттандек қилиб кўрсатган Сарвар ота-онасидан Нуралининг

қилғиликлари ҳақида эшитиб қолди. Ва ундан ўч олишга қасд қилиб, ҳамма ухлаб қолган, бобосининг уйиди шайтон устида турган болтани олиб, амакисининг ҳовлисига ўтди. Бу пайтда туниги соат 2 лар бўлиб, оиладагилар супада ёнма-ён ухлаб ётишарди. Нуралининг ўзи устки кийимини ечмасдан супанинг четига ухлатган экан. Сарвар уни туртиб уйғотиб, "Нима учун бобомни урдинг?" деб сўрайди ва жавобини кутмасдан бо-

ли-ку! Нуралининг хатти-ҳаракатини ҳам маъқуллаб бўлмайди. Ҳар не бўлганда ҳам ўз отасига қўч ишлатиб, қўлларини боғлаб қўйиб фарзангга норава иш. Отага нисбатан шарқона иззат-икром қарерда қолди!

Сарвар ўзича гўёки бобосини урганларни жазоламоқчи бўлганлиги ҳуқуқий саводсизликдан бошқа нарсга эмас. Ҳар кимсга қилинмишга яраша жазони қонун, қолаверса, Аллоҳнинг ўзи беради. Бировдан ўч олиш бандасининг иши эмас. Қасдлашиб қўлаб жиноятларни келтириб чиқаради, охири-оқибат таназзулга олиб боради.

Сарвар ҳам йигитлик қилаяпман деб ўйлаб, оғир жиноятга қўл урди. Агар у оғир-вазминлик билан ўз газабини боса олганида эди, ҳамма иш жойига тушган бўларди, албатта. Ҳазаб келганда уни боса олган одам энг кучлидир, деган гап бекорга айтилмаган. Мана, энди Сарвар бир лаҳзаллик қаҳр-газабининг жабрини тортади. Ҳали оилали бўлмасдан, бирон ишнинг бошини тутмасдан туриб, йўл бошладек алашган бу йигитнинг жиноятга жабранувчиларнинг аризаси бўйича олиб берилган суриштирув ва тергов ишлари, воқеа жойини қўздан кегириш далолатномалари, гувоҳларнинг сўзлари, суд-тиббий экспертиза хулосаси ва бошқа ашёвий далиллар билан тўлиқ тасдиқланади. Айбланувчининг ўзи ҳам айбига қисман иқроорлик ва қилишидан пушаймонлик билдириди.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг ҳукмига қўра, судланувчи Сарвар Эрдонов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг моддаларида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилди ва унга нисбатан 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Бемани гурурга берилишининг оқибати хуноқ ва аянчиқ бўлишини унутмаслик керак. Бу воқеа бошқаларга сабоқ бўлмоғи лозим.

Одил АМИРҚУЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
Сухроб ЎСРУЛЛАЕВ,
вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори

Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, gkitorg.uz Манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМК Хоразм виллояти худудий бошқармаси тел. 8(3622) 26-16-55, 2631-55, ДМК Тошкент виллоят худудий бошқармаси тел. 259-21-18.

ШАҲРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ

*очиқ турдаги акционерлик
жамияти жамоаси*

*ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН
ЯНГИ — 2010 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.*

*Аллоҳ назари тушган юртимиз аҳлини
байрам билан табриклар эканмиз, тилагимиз
шуки, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин,
хонадонларимиздан файзу барака аримасин.*

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!



"Микрокредитбанк"

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

*юртдошларимизни Янги — 2010 йил билан
муборакбод этади!*

"МИКРОКРЕДИТБАНК" очик акциядорлик тижорат банки пахтакорларга атаб - "Оқ олтин", Тошкент шаҳрининг 2200-йиллиги муносабати билан "Она шайрим", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га "Тараққиёт" ҳамда "Фаровонлик" номли юқори фоизли омонат турларини жорий этди.

"Истеъмол жамғармаси" омонатиға маблағ қўйган киши банкдан бир ярим ойдан сўнг шу маблағининг уч баробари миқдорида истеъмол кредити олиши мумкин.

Олти ой муддатли - "Қаммас" омонатиға маблағ қўйганлар фоиш суммаларини олишмаса, ушбу фоишлар жамғармага ойма-ой қўшиб борилади, яъни капитализация қилинади.

Банкнинг "Маъсус Меҳрибонлик" омонати меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар учун аталган бўлса, "Маъсус Мададкор" омонати ижтимоий кам таъминланган оилаларда яшовчилар учун қулайликдир.

"Бахтли болалик" омонати вояга етмаган болалар номига очилади, юқори фоизли "Ўнуроний" жамғармасиға эса нафақа ёшидаги фуқаролардан маблағлар қабул қилинади.

Беш ой муддатли "Қафолат" ҳамда бир йил муддатли "Йилонч плюс" омонатларига маблағлар фуқароларнинг хоҳишиға қараб АҚШ доллариди қабул қилинади. Турли муддатли "Универсал" омонатиға чет эл валюталарида маблағлар қабул қилинади.

Банкнинг пластик карточкалар орқали фаолият кўрсатадиган ва йиллик 20 фоиш даромад келтирадиган "Хазина-карт" омонати энг қулай ва замонавий омонат жамғармаси ҳисобланади.

Шунингдек, банк "Коммунал-Шоҳс", "Ёшлик", "Ўнрафшон", "Она юрти" сингари жами 23 турдаги омонатларға маблағларни қабул этмоқда! Муҳими, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос имтиёзлари ва қулайликлари мавжуд!

Омонатға қўйилган маблағ "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунға асосан давлат томонидан ҳимояланган ва омонатлар бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари таъминланади.

Қимматли муносабатлар!

*"Микрокредитбанк" омонатларидан бирортаси
Сиз учун албатта манзур бўлишиға ишонамиз!*

